



# XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqra boshlagan

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

2015-yil 16-aprel, payshanba, 16 (596)-son

e-mail: xxi\_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

## Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан қутловлар

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.

- Жумладан:**  
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби  
Япония Бош вазири  
Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти  
Франция Республикаси Президенти  
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти  
Жазир Халқ Демократик Республикаси Президенти  
БМТ Тараққиёт дастури маъмурияти раҳбари  
ЮНЕСКО Бош директори  
Жаҳон божхона ташкилоти Бош котиби  
Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси  
Америка – Ўзбекистон савдо палатаси президенти  
«Германия – Ўзбекистон» жамияти вице-президенти  
Сайловларни кузатиш бўйича Европа академияси президенти
- Пан Ги Мун
  - Шиндзо Абэ
  - Йоахим Гаук
  - Франсуа Олланд
  - Чионг Тан Шанг
  - Абдулазиз Бутефлика
  - Хелен Кларк
  - Ирина Бокова
  - Кунно Микуря
  - Кэролин Лэм
  - Стивен Надерн
  - Петер Шпари
  - Стеф Горис
- табрик йўллаган.  
Қутловлар келиши давом этмоқда.

## Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан қутловлар

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.

- Жумладан:**  
Эрон Ислом Республикаси Президенти  
Бруней-Доруссалом Султони  
Молдова Республикаси Президенти  
Япония «Сока Гаккай Интернешнл» будда ташкилоти президенти  
«Корея газ корпорацияси» президенти ва бош ижрочи директори  
«Лотте Груп» раиси  
«Самсунг Электроникс» компанияси президенти  
«Хитой миллий нефть-газ корпорацияси» директорлари кенгаши раиси  
«Поли Текноложи Инк.» компанияси президенти  
«Хуавей Текноложи Ко.Лтд» компанияси президенти  
«Сасол Лимитед» президенти ва бош ижрочи директори
- Хасан Рухоний
  - Хожи Ҳасанал Болкиях Муиззадин Ваъдауллох
  - Николай Тимофти
  - Дайсаку Икеда
  - Жонг Хо Ли
  - Донг Бин Шин
  - Сан Жин Пак
  - Чжоу Цзипин
  - Ван Лин
  - Жэн Чжэнфэй
  - Дэвид Констебл
- табрик йўллаган.  
Қутловлар келиши давом этмоқда.



Солиқ ЗОИР олган сурат

## БУГУН КЕЧАГИДЕК ЯШАБ БЎЛМАЙДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг навбатдаги йиғилишида Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқидаги устувор йўналишлар ҳамда O'zLiDePнинг Сайловолди платформасида белгиланган вазибаларни амалга ошириш юзасидан 2015-2019 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури атрофлича кўриб чиқилди

Президентимиз нутқида белгилаб берилган устувор вазибаларни бажариш фракциями аъзолари, вакиллик органларидаги депутатларимиздан нафақат масъулиятни тўла ҳис этиш, балки зарур пайтда ташаббускорлик, ғайрат-шижоатни талаб этади, — деди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўшма мажлиси раиси, партиянинг парламентдаги фракцияси раҳбари Соҳибжон Турдиев. — Ҳозирги давр — интеллектуал меҳнат ва интернет даври. Жаҳон миқёсида иқтисодий-молиявий инқироз давом этаётган, рақобат, қарама-қаршилик тобора жиддий тус олаётган, турли таҳдидлар кучайиб бораётган глобаллашув замонининг ўзи бугун кечагидек яшашимиз мумкин эмаслигини кўрсатмоқда. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳаётимизни

кекин ўзгартираётган демократик ислохотларни тезлаштириш, уларнинг самарасини ошириш бўйича долзарб вазибаларни олдимизга қўймоқда. Бу эса, энг аввало, парламентнинг қонунчилик фаолияти билан боғлиқдир. Ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги қонунчилик тараққиёт эҳтиёжларига мослигини, керак бўлса, ундан бир қадам олдинда юришини таъминлашимиз зарур. Фракциямиз аъзолари томонидан, хусусан, бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштириш, хусусий мулк ҳуқуқлари ва ҳимоясини мустаҳкамлаш, тадбиркорлик йўлидаги ғов ва тўсиқларни бартараф этишга қаратилган қатор қонун лойиҳаларининг илгари сурилиши, парламентда кўрилатган ҳужжатлар



Мавлуда ХОДЖАЕВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида биринчи хулосам шундай бўлди: мамлакатимизда хусусий мулк ва мулкдорларни ҳимоялашга қаратилган ишончли меъёрий-ҳуқуқий асос ва қарорларни, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка зарур шароит ва имтиёزلарни яратиб бериш — давр талаби, эркин ва фаровон ҳаёт қуришимизнинг муҳим зарурий шартларидандир. Алоҳида таъкидлаш жоиз-

ган ваколатлардан самарали фойдаланиб, нафақат қонун ижодкорлиги, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мукамаллигини таъминлаш борасидаги фаолиятимизни давр талаблари даражасига кўтаришимиз, балки ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, таъсир кўрсатиш шаклларидан, жумладан, парламент сўровидан унумли фойдаланишимиз даркор. Бу эса барча депутатлар ва сенаторлар зиммасига улкан масъулият юклайди. Масъулият энг оғир юк эканлигини ҳамisha ҳис қилиб яшаш ва ишлаш бугунги кун талабидир. Бундан ташқари қонун лойиҳаларини хорижий ҳуқуқий амалиёт билан ҳар томонлама чуқур қиёсий таҳлил қилиш асосида муҳокама этиш, уларни тайёрлаш ишларини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга

«... ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ, ЯНГИ, ЗАМОН ТАЛАБ ҚИЛАДИГАН ДАРАЖАГА КЎТАРИШ МАСАЛАСИНИ ҲАЛ ҚИЛМАСДАН ТУРИБ, ОЧИҚ АЙТИШИМИЗ КЕРАК, БИЗ ЎЗ МАҚСАДЛАРИМИЗГА – ТАРАҚҚИЙ ТОПГАН ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТЛАР КАТОРИГА КЎТАРИЛИШИМИЗ ҲАҚИДА ГАПИРИШНИНГ ҲОЖАТИ ҚОЛМАЙДИ. БИРИНЧИ НАВБАТДА КОНСТИТУЦИЯМИЗДА МУҲРАБ ҚЎЙИЛГАН КЎП ТАРМОҚЛИ ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ УСТУВОР СОҲАСИ БЎЛМИШ ХУСУСИЙ МУЛК ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙЎЛИДАН БАРЧА ҒОВ ВА ТЎСИҚЛАРНИ ЙЎҚ ҚИЛИШ – БИЗ УЧУН ҲАЛ ҚИЛУВЧИ, УСТУВОР ВАЗИФАГА АЙЛАНИШИ ДАРКОР».

**БУГУНГИ СОНДА:**

- МУНОСАБАТ**  
Электрон тижорат электорат учун 3
- ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ**  
Шаҳардан чиққан Умид 2
- ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА**  
Мулкдорлар манфаатини самарали ҳимоялашга интилиш 4
- ЖАРАЁН**  
Учқудуқнинг нурли эртаси 5

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти	1 Австралия доллари	1897,42	1 АҚШ доллари	2501,87	1 Хитой юани	402,62	1 Польша злотийси	659,27	1 ЕВРО	2739,95
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 14 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан қийдаги қийматини белгилади.)*	1 Англия фунт стерлинги	3655,23	1 Миср фунти	327,90	1 Россия рубли	48,99	1 СДР	3429,16	10 Жанубий Корея вони	22,78
* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	1 Дания кронаси	354,81	1 Исландия кронаси	18,11	1 Украина гривнаси	109,34	1 Туркия лираси	949,40	10 Япония иенаси	207,73
	1 БАА дирҳами	681,23	1 Канада доллари	1983,41	1 Малайзия ринггити	675,82	1 Швейцария франки	2554,23		

# ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

## Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан қутловлар

**Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.**

**Жумладан:**

Германия Федератив Республикасининг Федерал канцлери	— Ангела Меркель
Покистон Ислом Республикаси Президенти	— Мамнун Хусайн
Покистон Ислом Республикаси Бош вазири	— Навоз Шариф
Тунис Республикаси Президенти	— Муҳаммад ал-Божий Қоид ас-Сибсий
Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат Думаси Раиси	— Сергей Нарышкин
Жаҳон банки Президенти	— Жим Янг Ким
«Лемкен» компанияси ижрочи директори	— Антони ван дер Лей
Германия-Ўзбекистон ишбилармонлик кенгаши ижрочи директори	— Фальк Порше
«Дойче Кабель АГ Тошкент» кўшма корхонаси инвестори	— Фальк Порше
Ядро тадқиқотлари бирлашган институти директори	— Виктор Матвеев
Россия Фанлар академияси академиги	— Виктор Матвеев

*табрик йўллаган.  
Қутловлар келиши давом этмоқда.*

## Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан қутловлар

**Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.**

**Жумладан:**

Австрия Республикасининг Федерал президенти	— Ҳайнц Фишер
Исроил Давлати Президенти	— Реувен Ривлин
Афғонистон Ислом Республикаси ҳукумати Ижроия кенгаши раиси	— Абдулла Абдулла
Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири, парламентдаги Ўзбекистон билан дўстлик лигаси раиси	— Таро Асо
Ислом тараққиёт банки президенти	— доктор Аҳмад Муҳаммад Али
Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби	— Шамил Алескерев
Европа халқаро муносабатлар институти президенти	— Ирнерио Семинаторе
«НЭК Корпорейшн» раиси	— Каору Яно
«Самсунг Инжиниринг» компанияси президенти ва бош ижрочи директори	— Пак Чун Хи
«Хюндай Инжиниринг» компанияси президенти ва бош ижрочи директори	— Ким Ви Чул
«Лотте Кемикал Корпорейшн» компанияси президенти ва бош ижрочи директори	— Хо Со Ёнг
«Лотте Хотелз энд Ресортс» компанияси президенти ва бош ижрочи директори	— Сонг Ёнг Док
«Шиндонг Энерком» компанияси раиси,	— Ким Юн Сук
«Корея – Ўзбекистон» дўстлик ассоциацияси раиси	— Гюнтер Папенбург
«Папенбург» компанияси раҳбари	— Хайнрих Трушлер
«Трушлер» компанияси раҳбари	— Хайнрих Трушлер

*табрик йўллаган.  
Қутловлар келиши давом этмоқда.*

«... ЎТГАН ЙИЛЛАР ДАВОМИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ХУСУСИЙ МУЛК ВА МУЛҚДОРЛАРНИ ҲИМОЯЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИШОНЧЛИ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОС ВА КАФОЛАТЛАРНИ, ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИККА ЗАРУР ШАРОИТ ВА ИМТИЁЗЛАРНИ ЯРАТИШ БЕРИШ БЎЙИЧА КЎПГИНА ИШЛАР БАЖАРИЛДИ ВА БАЖАРИЛМОҚДА. ЛЕКИН, МИНГ АФСУСКИ, ХУСУСИЙ МУЛКНИНГ ДАВЛАТ МУЛКИГА НИСБАТАН УСТУВОРЛИГИ БАРЧАМИЗ УЧУН АЁН БЎЛИШИГА ҚАРАМАСДАН, БУ ЙЎНАЛИШДА АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИШЛАРИМИЗ, АВВАЛО, МУЛҚДОРЛАРГА ЭРКИНЛИК БЕРИШ МАСАЛАЛАРИ ТЎЛА ЕЧИЛМАЯПТИ, ЎЗИНИНГ КУТИЛГАН САМАРАСИНИ БЕРМАЯПТИ.

ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ИҚТИСОДИЁТИМИЗДА ДАВЛАТНИНГ УЛУШИ ВА ЎРНИНИ СТРАТЕГИК ҲАМДА ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАНГАН ДАРАЖАГА ҚАДАР ҚИСҚАРТИРИШИМИЗ ДАРКОР».

# БУГУН КЕЧАГИДЕК ЯШАБ БЎЛМАЙДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

— Партия кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш, интенсив боғ, янги токзорлар, чорвачилик, сервис хизматларини йўлга қўйишга доир 21 мингдан ортиқ лойиҳа ижроси устидан депутатлик назоратини олиб бориб, самарали натижаларга эришишни мақсад қилган, — деди О'зЛиДеР Бухоро вилоят кенгаши раиси Фармон Аминов. — Ўз навбатида, фермерлик йўналиши мавжуд бўлган олий таълим муассасалари ва 156 та қишлоқ хўжалигига ихтисослашган коллежда илгор фермерлар, тегишли ташкилот ва идоралар вакиллари иштирокида махсус ўқувлар ўтказиш режалаштирилганини айтиб ўтиш жоиз.

Кези келганда, О'зЛиДеР мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш масаласига ўзининг устувор вазифаси сифатида қарашини таъкидлаш даркор. Бинобарин, иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини изчил модернизация қилиб, янги техника ва технологиялар билан қуроллантира оласакки, жаҳон бозорига муносиб ўрин эгаллаймиз.

Албатта, мустақиллик йилларида бу борада тизимли чора-тадбирлар амалга оширилиши эвазига юртимизда автомобилсозлик, нефть-газ, кимё sanoati, қурилиш материаллари, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, озиқ-овқат ва енгил sanoat каби бир қатор янги тармоқлар яратилди. Хусусан, «Дженерал Моторс» компанияси билан ҳамкорликда Асака ва Питнак шаҳарларида енгил автомобиллар, Самарқандда эса автобус ва юк ташувчи машиналар ишлаб чиқарилмоқда.

ЯИМда sanoatning улushi 1990 йилдаги 17,6 фоиздан 24,1 фоизгача ўсди. Умуман олганда, 2000-2014 йилларда sanoat маҳсулотлари ҳажми 3,2 баробарга, истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши 5,4 баробарга ўсди. Олдимизда турган навбатдаги вазифалар нафақат ишлаб чиқаришни ривожлантириш, иқтисодиётимизни модернизациялаш, балки ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон бозорларига кенг кириб боришини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ.

Шундан келиб чиқиб, тадбиркорларнинг инновацион иқтисодиёт, sanoat рақобатбардошлигини ошириш борасидаги бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, жойларда инновацион

ривожланиш клубларини ташкиллаштириш, йирик sanoat корхоналари билан кичик бизнес ҳамкорлигини ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

— Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг фаол депутатлик назорати деганда биз партия электорати манфаатларини ифода этадиган қонунлар, Президент фармонларининг жойлардаги ижроси устидан таъсирчан депутатлик назоратини олиб боришни назарда тутмоқдамиз, — дейди халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи раҳбари Шунқор Умирзоқов. — Зеро, айнан ушбу усуллардан фойдаланган ҳолда халқ депутатлари вилоят, туман(шаҳар) кенгашлари сессиялари кун тартибига ҳудудларни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг энг долзарб муаммолари ечимига доир амалий тақлифларни кирита оламиз. Депутатлик гуруҳларимиз



Сопиқ ЗОИР ошан боғатлар

## ОХИРГИ 10 ЙИЛ ДАВОМИДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИНГ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ 8 ФОИЗДАН ОШИБ БОРИШINI ТАЪМИНЛАШ, МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШҚИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ — БУ ЎЗ-ЎЗИДА БЎЛАЁТГАН ЖАРАЁНЛАР ЭМАС, АЛБАТТА. ЙИГИЛИШДА АНА ШУ ЮТУҚЛАР ЗАМИРИДА ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ САМАРАСИ ТУРГАНИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ.

томонидан 2015 йил давомида 305 та назорат-таҳлил фаолияти амалга оширилиши, ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари, маҳаллий ижро ҳокимияти идоралари раҳбарларининг ҳудудларни ривожлантириш масалаларига оид 400 дан зиёд эшитиш ўтказилиши, шунингдек, 4000 тадан ортиқ депутатлик сўрови юборилиши режалаштириляётганини айтиб ўтиш мумкин.

— Дастурда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларни бартараф этиш, қулай бизнес муҳитини шакллантириш, марказда ва жойларда мазкур соҳадаги махсус индикаторлар асосида вазиятни кузатиб бориш ва унинг яхшиланишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланган, — деди О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Дилшод Шоумаров. — Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳар қандай давлатнинг бугуни ҳам, эртаси ҳам айнан унинг хусусий мулкка бўлган муносабати билан боғлиқ.

Биргина «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ва унда давлат мулкни хусусий раҳбарларнинг ҳараёнда вужудга келган хусусий мулк дахлсизлиги ва хусусийлаштириш натижаларининг қайта кўриб чиқилмаслиги белгилаб қўйилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Аммо бу соҳада ҳам ҳали қилинадиган ишлар кўп.

Жорий йилда мазкур йўналишда партияимизнинг тўртта лойиҳаси амалга оширилмоқда. Яқин истиқболда хусусий тадбиркорлар учун ресурсларни очиб бериш ва армарка савдолари орқали сотиш ҳажмини кенгайтириш, хомашё ресурслари билан фойдаланиш механизмининг тубдан қайта кўриб чиқиш, уни янада соддалаштириш, мансабдор шахсларнинг тадбиркорлик субъектларининг ҳужалик ва молиявий фаолиятига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини қучайтириш масалалари доимий диққат-эътиборимизда бўлади. Дастурда иқтисодиётда дав-

лат иштироки даражасини танқидий қайта кўриб чиқиш, хўжалик фаолиятида давлат улусини тубдан қисқартириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу йўналишда махсус давлат дастурини ишлаб чиқиш, корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришга қаратилган «Иқтисодиётни бошқариш тизимини ислоҳ қилиш» амалий лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилади. Жанубий Корея, Германия ва бошқа ривожланган мамлакатларда қўлланиляётган менежмент тизимларини чуқур ўрганиш асосида корпоратив бошқарув ҳамда акциядорлик жамиятлари фаолиятини ташкиллаштириш борасидаги қонунчиликни ривожлантириш партия ва унинг депутатлари диққат-эътиборида бўлади.


Бундан ташқари, аёлларимиз ва ёшларимизни тадбиркорликка кенг жалб этиш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш, кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига улусини оширишга қаратилган «Аҳолининг юксак ҳуқуқий маданияти ва

ҳуқуқий онги — ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асоси», «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳасида «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳасида 2015 йилнинг ўзида 20 минг нафардан ортиқ хотин-қиз иштирок этиши, лойиҳа доирасида 5 мингтагача қўшимча иш ўрни очиб режалаштирилган.

Йиғилишда Дастур доирасида 2015-2019 йилларда партиянинг баркамол, соғлом авлодни шакллантириш борасидаги вазифалари ҳам кўриб чиқилди. Бу йўналишда ўндан ортиқ партиявий лойиҳа амалга оширилиб, келгусида олий ўқув юртлари талабалари, касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик ва фермерликка жалб қилишга қаратилган бизнес-форумларни ташкил этиш белгилангани айтиб ўтилади.


Тадбир якунида Президентимиз нутқида белгиланган долзарб вазифалар мазмунан ва моҳиятан О'зЛиДеР фаолиятининг устувор йўналишлари экани, уларни самарали амалга ошириш партия аъзоларидан, айниқса, депутатлик корпусидан ташаббускор бўлишни талаб этиши алоҳида таъкидланди.

Сиёсий Кенгаш йиғилишида партия фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. О'зЛиДеР матбуот хизмати.



**Элбек ШУКУРОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

Мамлакатимизда амалга ошириляётган кенг қўламли ислохотлар самараси ўлароқ истиқлол йилларида юртдошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқарашини ўзгарди. Аҳолининг сиёсий билими, ҳуқуқий маданияти сезиларли равишда ошгани бугунги ютуқлар, забт этиляётган марраларда яққол кўринаяпти. Аммо қўлга киритилган муваффақиятларга маҳсул бўлиб қолиш мумкин эмас. Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилиши-



**Ўткир БЎТАЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

Президентимиз нутқида иқтисодиётнинг танқиди, суянчи айлانган ўрта синф вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг янада эркин фаолият юритишини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди-

да ана шу жиҳатларга алоҳида ургу берди. Демак, ўз фаолиятимиз давомида бор билим ва тажрибамизни ишга солган ҳолда ислохотлар муваффақиятини таъминлашга муносиб қўша қўша оласакки, халқнинг ишончини оқлаган бўламиз.

Юртбошимиз маърузасида билдирилган фикрлар хусусида қайта-қайта мушоҳада юритарканман, беихтиёр ўзимга «Озод ва обод мамлакат ёшлари қандай бўлиши керак?» дея савол бердим. Фикримча, бу

саволга «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!» деган даъват энг яхши жавобдир. Зотан, мустақилликка эришган илк кунларданок бу йўналишда марра баланд қўйилди. Бугун эса ана шу изчил саъй-ҳаракатлар самараси ҳар биримизга қўвонч бахш этмоқда. Чунки ёшларнинг баркамол ривожланиши, ҳар томонлама соғлом бўлиб voyга етиши, замонавий билим олиши, касб-хунар эгаллаши учун

барча шароитлар яратилди. Бугунги кунда йиғит-қизларимиз барча соҳаларда, жумладан, халқаро фан ва спорт олимпиадаларида юқори натижаларга эришиб, юртимиз байрогини баланд кўтармоқдалар. Уларга минглаб ўсмирлар ҳавас билан қарашмоқда. Бу ҳавас эса эртага яна кўпгаб голибларни шоҳсупаларга кўтаришига аминман. Ҳа, навқирон авлод вакиллари эркин дийрда яшаб, мустақиллик берган улкан имкониятлардан тўлақонли

чиқарилган маҳсулотлар экспорти қўламини кенгайтириш, экспортчи тадбиркорлар учун янада қўлай шароитлар яратиш масаласи ҳам қонунчилик фаолияти билан чамбарчас боғлиқ эканини унутмаслигимиз керак. Бугунги тадбирда айна шу масалалардан келиб чиқиб, партияимиз, айниқса, фракцияимиз олдида турган долзарб ва-

фойдаланаётганидан фахрланиш керак. Дадил айта оламани, Ватанимиз ёшлар ўз иқтидорини тўла намоён этаётган мамлакатга айланди. Шу маънода Президентимизнинг Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслиги тўғрисидаги сўзлари ҳаётда ўз тасдиғини топаётганлигини таъкидлаш жоиз. Ана шундай ишонч бизни чексиз гуруҳ ва ифтихорга тўлдирди, янада катта марралар сари ундайди.

## ПАРЛАМЕНТДА

# ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ЭЛЕКТОРАТ УЧУН

### О`zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди

**Ақбар МУЗАФФАРОВ,**  
«XXI asr»

ромига етказиб қабул қилиш партиямиз электорати саналган тадбиркор ва ишбилармонлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этади, — дейди О`zLiDeP фракцияси аъзоси Раҳимжон Ҳақимов. — Шунга алоҳида эътибор қаратиш кераки, электрон тижорат тизимида маблағлар тез айланади, моливий операциялар қисқа фурсатда ба- жариллади. Бу корхона-таш- килотлар, тадбиркорлик субъектларининг, умуман, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилибгина қолмай, тадбиркорнинг вақтини ҳам, нақдини ҳам тежайди. Уму- ман олганда, мазкур ҳуқуқий ҳужжат истеъмолчилар билан ишлаб чиқарувчилар ўр- тасидаги ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш, хўжалик юритувчи субъект- лар, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида электрон тижоратнинг им- кониятларидан кенг фойда- ланишни таъминлайди. Шу- нингдек, қонун лойиҳасида



Солиқ қўғир олинган сурат

электрон тижорат истиқболи билан бирга, ахборот соҳаси ривожланиши масаласи ҳам эътиборга олинган. Жумла- дан, унда телекоммуникация тизими операторлари, банк, электрон танлов, аукцион ва ярмаркалар ташкил этиш билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг истиқболига оид нормалар ўз аксини то-

пмоқда. Эътиборлиси, қуйи пала- танинг навбатдаги ялпи маж- лиси муҳокамасига киритили- ши режалаштирилмаётган қонун лойиҳасига О`zLiDeP фракцияси томонидан бир қатор аниқ тақлифлар берил- ди. Хусусан, партиянинг да- стурий мақсад ва вазифалари- га ҳамоҳанг тарзда қонун

лоийҳасига электрон тижо- рат тамойиллари тўғрисида- ги модданинг киритилиши ва унда тадбиркорлик фаоли- ятининг эркинлиги, битимлар тузилишининг ихтиёрийлиги, умуман, ушбу моддада мул- қдорларнинг манфаатлари ўз аксини топаётгани қайд этилди. Бу эса, партия да- стурида белгиланганидек,

тадбиркорлик ва у билан бе- восита боғлиқ бўлган бозор иқтисодиёти инфратузилма- сини янада ривожлантириш- га хизмат қилади.

Миллий амалиёт ва халқаро тажрибаларни қи- ссий ўрганган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур қонун лой- иҳаси савдо операциялари- ни чакана савдодан ташқари биржа орқали амалга оши- ришни кенгайтиришни ҳам қўзда тутди. Фракция аъзо- лари қонун лойиҳасидаги бу каби хусусиятлар О`zLiDeP- нинг бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисоди- ётни либераллаштириш ва рақобатбардошлигини оши- риш борасидаги дастурий мақсадларда акс эттирил- ган устувор вазифаларига ҳамоҳанг эканлигини яна бир бор таъкидлади.

Қизгин баҳс-мунозара ва савол-жавобларга бой бўл- ган йиғилишда депутатлар яна бир қатор масалаларни кўриб чиқиб, муҳокама- лар юзасидан фракциянинг теги- шли қарорларини қабул қил- дилар.

# Ширин ташвишлар оғушида

### Айни пайтда бошқа ҳудудларда бўлгани каби Пскент туманида ҳам фермер хўжалиқлари эътибори ерга чигит қадаш ишларига қаратилган



— Ўн йилдан буён фермерман. Ўтган давр мобайнида олинган даромадлар ҳисобига қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олдим, — дейди «Нурсултон Мирқамол» фермер хўжа- лиги раиси Ширинбувиш Юнусова. — Кўриб турганингиздек, «Орион» культивация техникасига ўзимизнинг селякалари мослаштирган ҳолда чигит экяпмиз. Мазкур техниканинг фой- дали жиҳати шундаки, у ерга қадалаётган чигитнинг қандай экилаётганини компьютер монитори орқали кўрсатиб туради. Эски техникада ҳар бир метрдан сўнг нечта чигит туши, деб санардик. Бу ҳолда жуда кўп уруғ сарф бўларди. Униб чиққа- нидан кейин ягана қилишга кўп куч ва вақт сарфлардик. Янги техниканинг яна бир афзаллиги унинг ёриткичлари сабаб бу «темир дастёрлар»да тунда ҳам бемалол ишлаш мумкин. На- сиб қилса, бу йил режаларни ортиги билан бажарсак, маҳал- ламиз ҳудудда спорт мажмуасини қуришни ният қилиб қўй- ганман. Икки ўғил, бир қизим бор. Яқинда намунали лойиҳалар бўйича қурилган уйлاردан бирига кўчиб ўтдик.

Мустақиллик ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Мана, фермер бўлиб хоҳлаган давлатимизга бориб келаяпмиз. Фарзандлари- мизни ўқитаяпмиз. Барча имкониятлар, имтиёзлар ошиги кенг очик, ҳаттоки коллежни битирган ўқувчиларга ҳам тадбиркор- лик қил, иш ўрган, деб кредитлар ажратилаяпти. Ана шу имко- ниятлардан фойдаланиб қолишимиз керак.

Бизнинг бугунги бу югур-югурларимиз кимнингдир назари- да ташвишли, беҳаловат ишдай кўриниши мумкин. Лекин ана шу ташвишларнинг ортида ширин ҳаёт, тўкин дастурхон, фа- рогон қўнарлиғи борлиги бизни хурсанд қилади.

— Хўжалигимиз 2006 йили ташкил этилган бўлиб, асосан пахта ва галла етиштиришга ихтисослашган. Бундан ташқари, бошқа фермер хўжалиқларига техник хизматлар ҳам кўрса- тамиз, — дейди «Соҳиджон Каримов» фермер хўжалиги иш юритувчиси Расулжон Каримов. — Ўндан ортиқ техника ва мосламаларим бор. Айни кунда С65-24 навли пахта уруғини экяпмиз. Ерларимиз бўз, ҳосилдорлик ўртача 30 центнерни ташкил қилади. Ўтган йили 288 миллион сўм соф даромад қил- ган бўлсак, шундан 120 миллион сўмига «МТЗ-80» трактори, 45 миллион сўмига эса «ЕврОпан» плагини сотиб олдик. Энди «Клаас» комбайнини харид қилишни режалаштираяпмиз. Ма- съулиятли паллада бизни қўллаб-қувватлаб турган Фермер- лар кенгаши ва О`zLiDeP фаолларига миннатдорлигимни бил- дираман.

Кенсентлик пахтакорларнинг ҳузуридан бир олам таассу- рот билан қайтар эканмиз, фермерлик ҳаракатини ривожлан- тириш бўйича белгиланган устувор вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

**Баҳорат ИМОВОВА,**  
Ўзбекистон Фермерлари кенгаши матбуот хизмати раҳбари.

## Уч авлод учрашуви

О`zLiDeP Қарши туман кенгаши ҳамда туман ҳокимлиги ҳамкорлигида «Кенсаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида уч авлод учрашуви ташкил этилди. Мазкур дийдорларда уруш ва меҳнат фахрийлари, тадбиркор ва ишбилармонлар, маҳалла фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этиди. Тадбир ташкилотчиси — Қарши туман «Нормуним бобо» фермер хўжалиги раиси, халқ депутатлари туман кенгаши депутаты Панжи Гелдиев партия фаоллари билан қишлоқдаги некаст ва онахонларнинг хонадонларига ташриф бурди. — Ёрдамга муҳтоллар ҳолидан хабар олиш, ўқис кўнглиларига малҳам бўлиш ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган миллий кадриятларимиздан биридир. — дейди фалсафа фанлари номзоди, доцент Тоҳир Қурбонов. — Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик, ёши улғу инсонларга кўрсатилаётган ғамхўрликни кўриб, шукрона айтамыз. Партияимизнинг дастурий мақсадларини амалга оширишда уч авлод ҳамкорлиги яхши натижа бермоқда. Сафаримиз нафақат ёшлар, балки кўпни кўрган тажрибали инсонлар ҳисобига кенгайиб бораётди. Масалан, бугунги тадбирда 105 ёшни қаршилаган Муртазо бобо Мустафоқуллага партия гувоҳномаси тантанали равишда топширилди. — Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар марказида инсон олий кадрият сифатида баҳоланаётгани биз танлаган йўл нақадар тўғри эканлигини яққол исботидир. — дейди 100 ёшли Саодат момо Қаниева. — Айниқса, 2015 йил Кенсаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинган қалбимизни қувончга тўлдирди. Эзгулик ва саховат бўлган юрда ҳаминша тинчлик барқарор бўлиб, фуқаролар бахтли ҳаёт кечиришди. Тадбир доирасида маҳалла ёшлари ўртасида футбол мусобақаси ташкил этилиб, маҳаллий санъаткорлар томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

Сайфулла ИКРОМОВ.

# Эркин тадбиркор — юртга мададкор

### О`zLiDeP кўмагида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўз бизнесини йўлга қўйган ёки уни янада ривожлантиришни мақсад қилган тадбиркор опа-сингилларимизга ўтган йилнинг ўзида тижорат банкларидан 4 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилди

**Зиёдулла МЎМИНОВ,**  
«XXI asr»

«Мамлакатимизда кичик бизнес ва оилавий тадбиркор- ликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари: маҳал- лий ва хорижий тажриба» мавзусида Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтган амалий семинар- да ана шундай хусусида сўз борди. Тадбирда иштирок этган Олий Мажлис Қонунчи- лик палатаси депутатлари, вилоят адлия, молия, давлат солиқ бошқармалари, Сав- до-саноат палатасининг худу- дий бошқармаси масъул хо- димлари мулкдорлар билан очик мулоқотда бўлдилар.

Олмалиқда бугунги кунда мингга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъ- екти фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан ишлаб чиқа- рилаётган маҳсулотлар ички бозорда харидорлар бўлиши билан бирга экспорт ҳам қи- линаёпти. Бундан ташқари, кейинги йилларда аҳолига хизмат кўрсатиш корхонала- ри сони ҳам ортмоқда. Маса- лан, О`zLiDeP аъзоси Зулфия Усмонова раҳбарлигидаги ўқув марказида ўтган 5 йил мобайнида 2 мингдан ортиқ олмалиқлик хотин-қиз ти- қувчилик, миллий таомлар тайёрлаш, сартарошлик, уй ҳамшираси, қандолатчилик каби йўналишлар бўйича касб-хунар эгаси бўлдилар. Кечаги шогирд қизлар эса бугун ўзларининг мустақил бизнесини йўлга қўйиб, ўнлаб ёшларни иш билан таъмин- лаяптилар.

— Ўқув марказини ташкил этганимда бироз қийналган- ман, — дейди З.Усмонова. — Ана шунда менга О`zLiDeP- нинг Олмалиқ шаҳар кенгаши, унинг тадбиркорлар билан ўрнатган мустаҳкам алоқала- ри кўмақдош бўлди. Бугунги кунда 30 га яқин шогирдим мустақил ҳолда турли йўна- лишда ўз бизнесини юрита-

япти. Уларнинг ҳар бири ўз қишлоғи, туманида хотин-қиз- ларга хунар ўргатиш билан бирга аҳолига пуллик хизмат кўрсатаёпти. — Таҳлиллар шунини кўр- сатаёптики, тадбиркорларим- миз орасида хотин-қизлар, айниқса, ёшлар сони ортиб бораёпти. Умуман олганда, мамлакатимизда ўз бизнеси- ни бошлайман деган ҳар бир

— дейди Зангиота агро-сер- вис касб-хунар коллежи та- лабаси Шаҳзод Тўхтабоев. — Мен ҳозир эртанги тад- биркорлик фаолиятимга пой- девор яратаяпман. Семин- дарда вилоят давлат солиқ бошқармасидан қатнашган Абдулазиз Солиевга ўзимни қизиқтирган саволларни бе- риш, шу заҳоти жавоб олдим.

Тадбирда Олий Мажлис

### ТАДБИРДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ СОҲИБЖОН ИСМОИЛОВ ВА АТХАМ НАЗИРҚУЛОВ СЎЗГА ЧИҚИБ, МАМЛАКАТИМИЗДА ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ ЯРАТИШ МАҚСАДИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ҚОНУНЛАР, УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ, ЖОЙЛАРДАГИ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА ТЎХТАЛДИЛАР.

юртдошимизга катта имко- ниятлар яратиб берилаяпти. Ҳатто уйда, олис сафарда туриб ҳам интернет орқали тадбиркор бўлиш мақсади- да рўйхатдан ўтиш мумкин, — дейди О`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова. — Эътибор бе- ринг: 2014 йилнинг ўзида пар- тиянинг қатор ташаббуслари, жумладан, «Оилавий тад- биркорликдан — мустаҳкам оилга» лойиҳаси доирасида О`zLiDeP кўмагида мамлака- тимизнинг турли ҳудудларида ўз бизнесини йўлга қўйган ёки уни янада ривожлантириш- ни мақсад қилган 274 нафар аёлга тижорат банкларидан 4 миллиард 100 миллион сўм кредит ажратилди. Бунинг эвазига жойларда 4 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Қувонарли жиҳати шундаки, ишбилармонларимиз, хусу- сан, тадбиркор аёлларимиз бизнесини бошлашдан аввал бозор конъюктурасини ҳар томонлама ўрганишяпти.

— О`zLiDeP томонидан ташкил этилаётган бу каби амалий семинарлар ўз биз- несини бошламоқчи бўлган ёшларга жуда қўл келаяпти,

Кеча О`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан «Тадбиркорлар ва фермерлар мулоқот форуми» партиявий лойиҳаси доирасида «Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш ва улар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш амалиётини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

**Беҳзод ИСРОИЛОВ,**  
«XXI asr»

Ўзбекистон Республи- касининг янги таҳрирдаги «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғри- сида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган мазкур мулоқотга Молия, Адлия, Қишлоқ ва сув хўжа- лиги вазирлиқлари, давлат Солиқ ва Божхона кўмита- лари, Фермерлар кенгаши, Савдо-саноат палатаси вакиллари, тадбиркорлар, фермерлар ҳамда ОАВ хо- димлари тақлиф этилган- лиги ҳам кун тартибига қўй- ланган масаланинг нақадар долзарблигидан далолат беради.

— О`zLiDeP ва унинг пар- ламентдаги фракцияси ижро механизмига эга, амалда ишлайдиган қонунлар қабул қилиниши, уларда электорат манфаатлари янада кучли- роқ ифодаланиши учун ҳа- ракат қилаёпти, — деди пар- тия Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Дилшод Шоумаров. — Ки- чик бизнес ва хусусий тад- биркорлик ривожига тўсиқ бўлаётган, ишбилармонлар эркинлигини чеклаётган қатор муаммоларни тизимли тарзда ўрганиб бориш ҳамда уларнинг бартараф этили- шига хизмат қилувчи аниқ тақлиф, тавсия ва ташаббу- слар мана шундай очик му- лоқотларда шаклланади.

Олий Мажлис Қонунчи- лик палатасидаги О`zLiDeP фракцияси аъзоси Дониёр Абдуқодиров мазкур қонун лойиҳаси «Мамлакатимиз- да демократик ислохотлар-



## Мулоқот форуми

ни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини риво- жлантириш Концепцияси» асосида ишлаб чиқилган- лигини алоҳида қайд этди. Уни тайёрлаш жараёнида хорижий мамлакатларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолияти давлат томонидан назорат қилиниши борасида- ги қонунлари, хусусан, Герма- ния, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Россия, Латвия, Литва, Молдова тажрибаси таҳли- ли йўсинда ўрганилганли- гини билдирди. Шунингдек, депутат иштирокчилар диққа- тини қонун лойиҳасида қўзда тутилган асосий мақсадлар — тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш амалиётини такомиллашти- риш, хусусий сектор иши барқарорлигини таъминлаш, қонунларга риоя қилувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувларни қисқартириш эканига қаратди.

Дарҳақиқат, мулоқот мо- байнида қайта-қайта эъти- роф этилганидек, тақдим этилаётган норматив ҳуж- жатга тадбиркорлик субъект- лари ҳуқуқлари устуворлиги, текириш ҳамда уни амалга ошириш ташаббуси мақса- да мувофиқлигининг мутано- сиблиги принциплари кири- тилган. Шунинг баробарида тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барча вако- латли орган билан келишиб олиш тўғрисидаги муҳим норма жорий этилиши мўл- жалланаёпти. Қонунда қўзда тутилмаган шаклдаги тек- ширувларни амалга оши- риш эса таққиланган. Бун- дан ташқари, тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча кафолатларни таъминлаш мақсадида текириш ўтқа-



# Шаҳардан чиққан Умид

Умид Тошбоев изланувчанлиги ва интилувчанлиги билан эл орасида танилаётган O'zLiDeP фаолларидан бири. Илғорлар тажрибасига таяниб иш кўраётган фермер келгусида ўз хўжалигини барқарор ривожланган, кўптармоқли субъектга айлантиришни мақсад қилган

Дилора ЭСОНОВА,  
«XXI asr»

«Университетни тугатиб, фермер бўламан!». Шаҳарда туғилиб, вояга етган Умиднинг бу гапига дўстлари ишонқирамай қарашганди.

— Сенга оппоқ кўйлак кийиб, галстук тақиб, савлат тўкиб юриш ярашади. Чанг-тўзонларга дош бера олармикансан? — деганди курсдош қизлардан бири.

Улфатлари эса: «Тўрт қиздан кейин туғилган арзанда ўғил бўлсанг. Отангнинг даврида мазза қилиб юрмайсаними», дейишди.

Қўлига диплом олиш арафасида турган фарзандидан «фермер бўлмоқчиман» деган гапни эшитган ота ҳам ўғлига «Салоҳиятнинг етадиган ишни қилсанг-чи, фермер бўлиш осон эканми?» дея сўраганди.

Аммо бу гапларнинг ҳеч қай-

сиси Умидни аҳдидан қайтара олмади. Аксинча, бирор мартаба падали бузуқворни Боймирза акага ботиниб тик қарамаган йигит қатъият билан:

— Ота, сиз қишлоқ хўжалиги соҳасини миридан сиригача биласиз. Менга йўл-йўриқ кўрсатиб, қўллаб-қувватламайсизми? — деган гаплар билан уни кўндиришга ҳаракат қилди. Онаси Ойтўти ая ҳам ўғлига ён босиб: «Боланинг шаштини қайтармайлик, дадаси», дея орага қўшилди.

Ана шулар сабабми, Умид дилига «Ҳали шундай фермер бўлайки...» деган мақсадни тугиб қўйди.

Фермер бўлиш истагини билдирган ёш йигитнинг ташаббусига асосан Гулистон туман ҳокимлиги заҳира ерлардан 40 гектар ажратиб берди. Умид отаси кўмағида «Боймирза Тошбоев ҳосили» фермер хўжалигини ташкил қилди.

— Ишни бошлаш осон бўлгани йўқ, — дейди Умид фермер.



— Қишнинг аёзи, ёзнинг жазираси мени тоблади, бардошимни синовдан ўтказди. Лекин касбимни ўзгартириш хаёлимга келмади. Аксинча, соҳага қизиқишим янада ортди. Илғорлар тажрибасига таянишга ҳаракат қилдим. Уста деҳқонлардан билмаганимни сўрашдан уялмадим. Пахтачилик ва ғаллачилик билан кифояланиб қолмай, чорвачиликни ҳам йўлга қўйдим.

Фаолиятини техникасиз бошлаган, айна пайтда жами қийма-ти 300 миллион сўмлик техника воситаларига эга бўлган келажакда порлоқ фермер бу йил лизингга ғалла ўриш комбайнини харид қилмоқчи. Хўжалик фаолиятини янада кенгайтириб, келгусида сутини қайта ишлаш цехи фаолиятини

йили давлатга 90 тонна сара дон ҳосили етказиб берди. 2014 йилда эса бугдойнинг «Истиклол» элита нави экилди. Айна пайтда ниҳоллар баравж ўсаяпти. Майдонлар икки мартаба сўғорилиб, кераклик миқдорда минерал ва маҳаллий ўғитлар билан тўйинтирилди. Фермер ҳосилдорлиқни 50 центнерга етказишни режалаштирган. Ҳаракат ҳам шунга яраша бўлмоқда.

Дарвоқе, ўзи танлаган соҳа бўйича тиним билмай меҳнат қилиб, шунга яраша даромад топаётган, орзу-мақсадларини рўёбга чиқараётган фермер яқинда «Истиклол» маҳалласи ҳудудида намунаган лойиҳалар асосида қурилаётган уйлاردан бирига кўчиб чиқди.

Йўлга қўйишни ният қилиб турган У.Тошбоев зотдор қорамолларни олиб келиш мақсадида европалик ҳамкорлар билан музокаралар олиб бормоқда.

— Ўз навбатида боғдорчиликни ташкил қилиб, ишчилар сонини 30-40 нафарга етказишни, шу тариқа ёшларнинг бандлигини таъминлашни кўзлабдиқ, — дейди мақоламухбиримиз.

Дарвоқе, ўзи танлаган соҳа бўйича тиним билмай меҳнат қилиб, шунга яраша даромад топаётган, орзу-мақсадларини рўёбга чиқараётган фермер яқинда «Истиклол» маҳалласи ҳудудида намунаган лойиҳалар асосида қурилаётган уйлاردан бирига кўчиб чиқди.

# Улкан ошқовоқ етиштириш сирлари

Газетамизнинг 2015 йил 19 февраль сонидан чоп этилган, океан ортидан келтирилган уруғлардан улкан ошқовоқларни етиштиришга эришган самарқандлик миришкор Муқимжон Орипов фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Кўшрабтга «Атлант гигант», Булунғурга «Кукурбита максима» сарлаҳвали мақола кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Уни ўқиган кўпчлик ўқувчилар таҳририятга кўнғироқ қилиб, антиқа қовоқ уруғларни қаердан топиш мумкинлиги ҳамда уни қандай парваришlash кераклигини сўраб-суриштирдилар

Шу боис вилоятдаги мухбиримиз мақола қаҳрамони билан яна бир бор учрашиб, юқорида тилга олинган масалаларга ойдинлик киритишга ҳаракат қилди.

— Улкан ошқовоқларни етиштираётганимдан «XXI asr» газетасида чоп этилган мақола орқали хабар топган, шунингдек, буни таниш-билишлардан эшитган ҳаваскор деҳқонлару тажрибали фермерлар хонадонимизга келиб, қовоқ уруғларидан олиб кетдилар, — дейди М.Орипов. — Шу ўринда мен бу ошқовоқларни даромад олиш учун эмас, балки чорвачилик ва паррандачиликда қўшимча озуқа захирасини яратиш учун етиштирганимни айтиб ўтмоқчиман.

Ошқовоқларни парваришlash технологиясига келсак, уларни апрель ойи бошларидан майнинг ўрталаригача бўлган даврда экишни маслаҳат берган бўлардим. «Атлант гигант» ҳамда «Кукурбита максима»нинг асл ватани — Жанубий Америка. Маълумки, бу қитъада туپроқ ва ҳавонинг намлиги бошқа минтақаларга нисбатан юқорироқ. Бу эса ўта иссиқ ва қуруқ шароитда ошқовоқ сирти қотғач, ҳосил яхши ривожланмай қолиши мумкин дегандир. Шунинг учун ҳам бу турдаги полиз экинини нисбатан намлиги юқори, масалан, сув ҳавзаларига яқин жойларга экиннингиз маъқул. Бунинг иложи бўлмаса, энсиз ариқ бўйи ҳам ошқовоқ учун «ватан» вазифасини бажариши мумкин.

Экиш учун танланган ер шудгор қилиниб, техника ишлов берилгач, ярим метр ораликда жўяқ олинади. Ҳар бир туپ орасида 35-40 см. жой қолдирилади. Туپроқ таркибининг 10 фоизи қора кум, 50 фоизи унумдор ер, 40 фоизи эса чириган гўнган иборат бўлиши айна муддао.

Усимлик униб чиққандан кейин унга кимёвий препаратлар ёрдамида ишлов берган ҳолда имкон қадар баргларнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик лозим. Ҳар бир туپда погага яқин бўлган икки дон қовоқ қолдирилади. Ошқовоққа кўёш нури қанчалик кам тушса, у шунча тез катталашади. Бунинг учун офтобда қолиб кетган ошқовоқ устига хашак, майда шох-шабба ташлаб қўйиш керак. Экин туپроғига ҳафтада бир марта ишлов бериш, шунингдек, ерни маҳаллий гўн билан озиклантириб туриш лозим. Шу тариқа парваришланган ошқовоқлар ўртача 130 кунда етилади,



# Аминжоннинг ўнг қўли биледи

Медали боғ ва узумзорларнинг ҳар гектаридан 40 тоннагача ҳосил олаётган қизилтепалик фермер Аминжон Ўроқовнинг даромади ҳам шунга яраша бўлаётир

Мансур АСЛОНОВ,  
«XXI asr»

Мазкур туманда фаолият кўрсатаётган 48 та O'zLiDeP таянч ташкилоти сафига бирлашган 1049 нафар маслақдошимиз партия ғояларини аҳолининг ўртасида ташвиқ қилиш орқали эл назарига тушмоқда. Шу боис ҳам 2014 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган сайловда уларнинг 10 нафари халқ депутатлари туман кенгаши депутати мандатини қўлга киритди.

O'zLiDeP туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Фазлиддин Тошевнинг таъкидлашича, қизилтепалик либералларнинг 76 нафари тадбиркор, 28 нафари фермер бўлса, 500 нафардан ортиги ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида жонбозлик кўрсатмоқда.

— Фаолиятимни 1996 йили салкам 6 гектарли эски боғ ўрнида «Усто Қодир» фермер хўжалигини ташкил этган ҳолда бошлаганман, — дейди А.Ўроқов. — Аввалга қариган ва қуриган, хашаки нам даракларни олиб ташладим. Уларнинг ўрнига эса серҳосил, касалликларга чидамли ва харидорғир бўлган «қирғиз қандили», «голдэн», «кремпсон» олма навларини эким. 2011 йилда хўжалигимиз ер майдони 10 гектарга етказилди. 2012 йилда фермер-

лар учун яратилган қулай инвестицион шароит, солиқ ва божхона тўловларидан озод қилиш борасидаги катта имкониятлардан фойдаланган ҳолда хўжалик ҳудудида 100 ва 150 тонна сигимли икки камерали совутич курдик. Энергия тежамкорлиги юқори бўлган, замонавий совутич тизими агрегатлари «Халқ банки» филиалидан ажратилган 150 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига Хитойдан олиб келинди.

Сир эмас, бир пайтлар деҳқон боғдонларимизнинг пахтадан ортиб, не-не машаққатлар билан етиштирилаётган мева-сабзавотлари сув текинга олиб кетиларди. Айна кунда «Гулбоғ» маҳалласида фаолият кўрсатаётган «Усто Қодир» сингари 30 дан зиёд фермер хўжалигида етиштирилаётган сархил хўл мевалару узумлар юрдошларимиз дастурхонини беэмомқда. Шу ернинг ўзида фаолият кўрсатаётган «Гулбоғ шарбатлари» МЧЖда қайта ишлаш цехлари ишламоқда. Бу эса тадбиркорлик субъектларининг қимматли вақтини тежаш ва яхшигина даромад олишига имкон яратмоқда.

— Йилнинг келишига қараб ҳар гектар мева ва узумзордан 350-400 центнергача ҳосил олишга эришяпмиз, — дейди А.Ўроқов. — Унинг ақсар қисмини сақлаш учун совутичларга жойлаштирамиз ва қиш ойларида савдога чиқариб,

бозорларимизнинг тўқинлигини таъминлашга ҳисса қўшамиз. Даромадларимиз ҳисобидан харид қилинган битта ҳайдов ва чопиқ трактори билан қўшни фермерларга боғ қатор оралиғига ишлов бериш, хашаротларга қарши курашиш каби юмушларни бажариш сингари техник хизмат кўрсатишни йўлга қўйганмиз.

Саховатли халқимиз шарқона одоб мезонларига қатъий амал қилиб, «ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин» дейди. Кам таъминланган ва буювчисини йўқотган оилаларга қўмақлашиб, қабристон ва маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, қолаверса, турли байрамлар билан боғлиқ тадбирларга қилинган хайрия маблағлари тўғрисида сўраганимизда Аминжон:

— Бу ишни ҳамма қилади. Биз ҳам қатордан қолсак, уят бўлади, — дея гапни қисқа қилди.

Дарвоқе, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган замондошимиз Аминжон Ўроқов энди нафақат фермер, балки халқ депутатлари Қизилтепа туман кенгашидаги Қизилтепа туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси сифатида ҳам қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш орқали даромадларини кўпайтириш, шунингдек, қўшимча иш ўринлари яратишда ўрнат бўлаётир.

Дунё аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бирига айланганлиги сир эмас. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти. Сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланиш имкониятидан маҳрум. Бунинг оқибатида 160 миллиондан ортиқ болада жисмоний ва интеллектуал ривожланиш билан боғлиқ камчиликлар кузатилаётир

сўм ҳажмидаги 983 та лойиҳани рўёбга қарши кўзда тутилмоқда. Паркент, Асака, Жомбой, Янгийўл, Китоб ва мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган бошқа туманларда қайта ишлайдиган қувватларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, ички бозорни тўлдириш мақсадида 170 тадан ортиқ янги номдаги

# ... Бирни кўриб шукр қил

Рисолат МАДИЕВА,  
«XXI asr»

Халқимизда «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил», деган нақл бор. Озиқ-овқат таъминотида юқоридагидек мураккаб вазият юзага келган бир пайтда мамлакатимизда аҳолининг бу борадаги эҳтиёжини тўла-тўқис қондириш мақсадида тизимли чора-тадбирлар белги-лаб, изчиллик билан амалга оширилаётгани таҳсинга лойиқ. Жумладан, сабзавот, картошка, полиз ва бошқа хилдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми барқарор равишда ортиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзида 190 минг гектар майдонда сабзавот, 78,6 минг гектарда картошка, 52,1 минг гектарда полиз маҳсулотлари етиштирилганлиги фикримиз далилидир.

— Айна кунда мамлакатимизда 76 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатаяпти, — дейди Ўзбекистон Фермерлари кенгаши Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси Фозил Кулматов. — Уларнинг 38 мингдан ортиғи кўп тармоқли. Хусусан, 40 мингтаси пахтачилик ва ғаллачилик, 18,1 мингтаси боғдорчилик ва узумчилик, 5,2 мингтаси сабзавот-полизчилик, 6,3 мингтаси чорвачилик ва 6,8 мингтаси бошқа соҳаларга ихтисослашган. Шу тариқа фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган етакчи кучга айланиб бормоқда. Ўтган йили мамлакатимиз ғаллачиликда юқори натижа-

ларга эришилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Далалардан 8 миллион 50 минг тоннадан зиёд сара дон йиғиб олинди. Натижада фаровонлигимиз гарови саналадиган нон ва нон маҳсулотларининг нархини барқарор ушлаб туриш имкони яратилаяпти.

Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги берган маълумотларга кўра, манзилли озиқ-овқат дастурлари асосида 13 мингдан ортиқ лойиҳани амалга ошириш учун бултурнинг ўзида 1 триллион 350 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Шу ҳисобдан 43 мингга яқин янги иш ўрни барпо этилди. Жумладан, интенсив боғ-тоқзорлар яратиш, иқтисодий самара бермаётган яроқсиз боғ-тоқзорларни реконструкция қилиш, қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш, иссиқхона ва қўшимча омборхоналар қуриш учун 616 млрд. сўм ҳажмидаги 7822 та лойиҳа амалга оширилди.

— Ҳисоб-китобларга қараганда, 2014 йили мамлакатимизда 9 млн. 286 минг тонна сабзавот, 2,4 млн. тоннадан кўпроқ картошка, қарий 1,7 млн. тонна полиз маҳсулотлари, 3,9 млн. тонна чина зидроқ узум ва мева-чева етиштирилган, — дейди бошқарма бошлиғи Зафар Ортиқов. — Бу эса республикамиз аҳолисининг энг зарур маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга хизмат қилибгина қолмасдан, уларнинг экспорт ҳажминини ошириш имконини ҳам бермоқда. Кези келганда, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда томоққа хўжаликларидан унумли

фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этаётганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Бугунги кунда республикамизда мева-сабзавотни қайта ишлаш, гўшт-сут, ёғ-мой ва бошқа хилдаги озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашга ихтисослашган 200 дан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг барчаси турмуш фаровонлиги, дастурхонларимиз тўқин-сочинлиги йўлида хизмат қилаётир. Ўтган уч йил мобайнида 400 дан кўпроқ турдаги тайёр маҳсулотлар (қандолатчилик, гўшт-сут, ёғ-мой, озиқ-овқат ва консерва) ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу, айниқса, ўсимлик ёғи, шакар, қандолатчилик, колбаса маҳсулотларининг мўл-кўллигида натижа бўлаётир.

— Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган тизимли ишлар натижасида бугун республикамизда озиқ-овқат хавфсизлиги тўлиқ таъминланган. Аҳоли талаб-эҳтиёжининг қарий 90 фоизи ички манбалар ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобига қондирилмоқда, — дейди Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси эксперти Фахриддин Калонов. — Яқин беш йил орасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 410,4 млн. доллар ҳажмидаги 304 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Уларнинг деярли 34 фоизи янгидан ташкил этилаётган корхоналардир. Бундан ташқари, жорий йилда ҳудудий дастурларга мувофиқ, озиқ-овқат таъминотини яхшилашга қаратилган 390 млрд.

маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, тармоққа қарашли 16 та корхонада халқроқ стандартлар сово менежмент тизимини жорий этиш, 462 та кам қувватларда ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш режалаштирилган.

Ҳа, бугун бозорларимиздаги тўқин-сочинлиқни кўриб, шукрона келтирсанг киши. Айниқса, Тошкент шаҳар деҳқон бозорларида асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини нархларини барқарорлаштириш мақсадида ташкил этилган «Элга хизмат» масъулияти чекланган жамияти аҳолини йилнинг тўрт фаслида сархил мева-сабзавот, полиз, гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш йўлида астойдил хизмат қилаётганини қайд этиш ўринлидир. «Тошбозорсавдо» уюшмаси мутасаддиларининг маълум қилишларича, айна пайтда тизимдаги 12 та деҳқон бозорининг барчасида «Элга хизмат» масъулияти чекланган жамиятининг савдо расталари ташкил этилган бўлиб, уларда 61 та тўлов терминали ўрнатилган. Ўтган йилнинг июль-декабрь ойларида мазкур МЧЖ томонидан аҳолига жами 2893,0 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотилди.

Дарҳақиқат, нозу неъматлар билан тўла бозорлар маъмурчиликимиз кўзгусидир. Бунинг қадрига етиб яшаш ҳар биримизнинг қалб амримизга айланishi лозим. Зеро, дастурхонимиз тўқинлиги, ҳаётимиз фаровонлиги замирида ҳазрати бободоҳқоннинг меҳнату машаққатлари ётишини асло унут-майлик.

# Ипак тола мўл бўлади

Сирдарё вилоятида фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг 3365 таси пиллачиликка ихтисослашган бўлиб, улар томонидан бу йил жами 615 тонна сара маҳсулот етиштириш кўзда тутилган. Айна пайтда соҳа вакиллари учун ташкил этилаётган семинарлар давомида қурт боқиладиган хоналарни тайёрлаш, юқори сифатли тола берадиган нав (зот)ларни кўпайтириш, мавсумда ипак куртини боқиб агротехникасига жиддий риоя қилиш зарурлиги таъкидланмоқда. Жумладан, «Сирдарёпахтасаноат бирлашмаси» қошида сўнгги йилларда 12 та янги пиллахона барпо этилган бўлиб, уларнинг ҳар бири учун 5 гектардан ер ажратилди. Бу эса 60 гектар майдонда интенсив тузорлар яратиш имконини берди. Бундан ташқари, айна пайтда вилоятда мўл озуқа берадиган, маҳаллийлаштирилган, шўр туپроққа чидамли тут кўчатларини етиштиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Режага мувофиқ, шу йилнинг ўзида 380 минг туپ тут кўчат экилади.

Дилора ЭСОНОВА.

# БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

«XXI ASR» 16 (596)-son, e-mail: xxi\_asr@mail.ru



## Анъаналаримизга мос бизнес

О'zLiDeP Бектемир тумани кенгаши таркибидagi бошлангич ташкилотлар ҳам белгиланган режага мувофиқ қатор ғоявий-сиёсий тадбирлар ташкил қилмоқдалар. Хусусан, «Роҳат» МФЙ ҳудудда иш юритаётган куйи бўғин фаоллари ташаббуси билан «Оилавий бизнес — ҳар жиҳатдан кулай ва манфаатли тадбиркорлик тури» номи давра суҳбати ўтказилди.

Партия туман ташкилоти раиси ўринбосари Рустам Маматхонов, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бошлиғи Жамшид Латипов, туман ҳокимининг иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Абдухалил Ерматов ўз чиқишларида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунига асосан иқтисодиётимизда хўжалик фаолиятининг оилавий корхоналар шаклидаги халқимиз менталитети ва анъаналарига тўлиқ мос келадиган янги ташкилий-хуқуқий шакли жорий этилгани, уларга кенг имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар берилганлиги, натижада ана шундай корхоналар кўплаб барпо этилиб, бошқалар қаторида минг-минглаб хотин-қиз ҳам ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилингани, О'zLiDeP эса бу йўналишга алоҳида эътибор қаратаётгани тўғрисида сўз юритдилар, иштирокчилар саволларига батафсил жавоблар қайтардилар.

Тадбир мобайнида бошлангич ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари ва бошқа қатнашчилар оилавий тадбиркорлик ривожланишига тўсиқ бўлаётган айрим камчилик-нуқсонларни бартараф этиш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар билдирдилар.

Ўз мухбиримиз.

## Зарафшондаги либераллар янада кўпайди



Зарафшонлик сафдошларимиз сони жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида 91 нафарга кўпайиши туфайли бу ердаги О'zLiDeP аъзолари 2860 нафарга етди. Масалан, «Гранд надлер» хусусий корхонасидаги 2004 йилдан буён фаолият кўрсатаётган БПТ аъзолари 23 нафарга, «Наврў» МФЙ ҳудудидagi таянч тузилма фаоллари 26, АТ «Халқ банки» Зарафшон шаҳар филиалидаги куйи бўғин аъзолари 5 кишига кўпайди. Шунингдек, «Шахтёр» МФЙ бошлангич ташкилотига 30 нафар янги аъзо кўшилди. О'zLiDeP Зарафшон шаҳар кенгаши БПТлар билан ишлаш консультанти Нодира Отамуродованинг айтишича, партия мақсадларини аҳолининг кенг қатламлари ўртасида узлуксиз тарғиб қилиш, электротар мафазати кўзланган амалий ишлар ижобий натижалар берапти. Бунда 114 та партия таянч нуқтасининг ҳиссаси сезиларли бўлаётганини қайд этиш керак. Ғоявий-сиёсий мулоқотларга О'zLiDeP фаоллари, депутатлар, республика ҳамда вилоят партия ташкилотлари маъсулларининг таклиф қилиниши уларни юқори савияда ўтказиш имкониятини бермоқда.

Мансур АСЛОНОВ.

Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгашидаги 30 нафар депутатнинг 17 нафари О'zLiDeP вакиллари. Яъни, улар нисбатан кўп овозга эга. Бу эса мазкур ҳудудда партиямизнинг дастурий ғоя ва мақсадларига ишонч юқорилигидан далолат беради

# Мулкдорлар манфаатини самарали ғимоялашга интилиш

Муҳаббат РАВШАНОВА, Беҳзод ИСРОИЛОВ, «XXI asr»

Бундай ишонч ўз-ўзидан шаклланиб қолгани йўқ, албатта. Зеро, партия фаоллари ҳамда бошлангич ташкилотлар О'zLiDePнинг сўзи билан иши бир сиёсий куч эканини амалда намоён эта олдилар. Энг муҳими, бу жараён узлуксиз, тизимли равишда давом эттириляпти.

Куйи бўғинлар зиммаларидаги вазибаларни бажариш асосида партия маҳаллий ташкилоти ва депутатлик гуруҳи ҳамкорлигини ҳаракатга келтирувчи ўзига хос тузилмаларга айланаётганлиги эътиборга молик. Кейинги ойларда бир неча БПТ томонидан амалга оширилган электротарни кўлаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар ОАВда ёритилгани ҳам шундан. Бинобарин, нафақат тадбиркорлар, балки аҳолининг бошқа қатламлари вакиллари

ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар самарасини эътироф этаётир. 2014 йилда электротар мурожаатлари асосида мутасадди идоралар раҳбарларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан аниқ

торга у ёки бу даражада тааллуқли масалалар юзасидан 6 нафар мансабдор шахс ҳисоботи эшитилди. Уларнинг аксарияти айнан таянч тузилмалар ташаббуси билан илгари сурилганлиги диққатга сазовор.

Мисол учун, ўтган йили халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгаши сессиясида «Худуд-

ларда юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг аҳоли, бу борадаги режаларнинг ижроси. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил ва озиқ-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган

чиқиш» тўғрисидаги масала атрофлича кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Яна бир мисол: ўтган йилнинг охириг чорагида 300 аъзони бирлаштирган «Самарқандтранс-марказ» корхонасидаги куйи бўғин билан халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгашининг асосан О'zLiDeP

топилганда шаҳар ёхуд вилоят кенгашлари сессияларига масала киритиш имконияти янада кенгайди. Умуман олганда, ҳар бир ташаббус ва саъй-ҳаракат замирида ягона мақсад — мулкдорлар синфи манфаатларини самарали ғимоялаш мақсади мавжудлигини унутмасликка интиляпмиз.

турмуш даражасини янада яхшилаш борасида асосли таклифлар билдирдилар. Айниқса, «Сино», «Самарқанд-транс-маркази», «Самарқанд автоўловчигранс» акциядорлик жамиятлари, «Чилқудук» ва «Боғсарой» МФЙ, «Халқ банки» вилоят бошқармаси, «Асл нафис», «Дилшод транс»

**«СИЁСИЙ КУЧ СИФАТИДА БИРЛАШГАН ҲОЛДА ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ ЯНАДА КЕНГРОҚ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШЛАРИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ОЧИШ, УЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛИНИ ҲАМ НАЗАРИЙ, ҲАМ АМАЛИЙ ЖИҲАТДАН АСОСЛАБ БЕРИШ, ЖАМИЯТНИНГ УШБУ ИЖТМОИЙ ҚАТЛАМИ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ БАРОБариДА УНИНГ ЭРТАНГИ КУНИНИ ТАЪМИНЛАШ, ШУНИНГДЕК, ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ҒОЯ ВА МАҚСАДЛАРИНИ ЎЗ ФАОЛИЯТИ ОРҚАЛИ КЕНГ ОММА ОНГИГА СИНГДИРИШ, БУ БОРАДА САФИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН, ҲАР ТОМОНЛАМА ЧУҚУР ЎЙЛАНГАН ПАРТИЯ СИЁСАТИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ О'ZLIDEPНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДЛАРИ СИРАСИГА КИРАДИ».**

О'zLiDeP Дастуридан.

тушунтиришлар бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён этиш шундан. Бинобарин, нафақат депутатлик сўрови юборилди. Бундан ташқари, хусусий сек-

тармоқларини ривожлантириш бўйича маҳаллий ҳокимликлар томонидан олиб борилаётган ишларни муҳокама этиш, таклиф ва тавсиялар ишлаб

лашга қаратилган чора-тадбирлар режаси тайёрланди.

Ана шундай йўсинда БПТлар ташаббуслари «куйдан юқорида» партиявий механизми воситасида депутатлар фаолиятида ўз аксини топмоқда.

— О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг қарорига мувофиқ, 17 нафар депутатимизнинг 115 та бошлангич ташкилотга бириктирилиши жойлардаги баъзи муаммоларни атрофлича ўрганишга туртки берапти, — дейди партия Самарқанд шаҳар кенгаши раиси биринчи ўринбосари Қодир Шойимов. — Айни пайтда маҳаллий кенгашлар депутатларининг электротар билан алоқаси янада мустаҳкамланмоқда. Куйи ташкилотлар аҳолининг турли қатламлари вакиллари, жумладан, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ифодаловчи масалалар бўйича юқори партия ташкилотига мунтазам тарзда таҳлилий материаллар тақдим этиб бориши баробарида БПТ томонидан тайёрланган маълумотлар долзарб деб



Масъул ходимнинг сўзларига шуни қўшимча қилиш мумкинки, партия шаҳар кенгаши билан бошлангич ташкилотлар ўртасидаги алоқаларнинг талаб даражасида йўлга қўйилганлиги ҳам муваффақиятлар омили бўлаётир. Чунончи, Сиёсий Кенгаш Ижроия кўмитаси, партия шаҳар бўлимининг мажлислари баённомалари, тегишли йўриқномалар он-лайн тартибида тезкорлик билан таянч бўғинларга етказилмоқда.

Мавриди келганда, охириги 15 ой ичида партия шаҳар ташкилоти БПТлар билан ҳамкорликда 200 дан зиёд катта-кичик учрашув, давра суҳбати, очик мулоқот ва йиғилиш ўтказганлигини, бу йўналишдаги ишлар бўлиб ўтган сайловлар даврида юқори бўғинлар ташаббуси билан ташкил қилинди. Эътиборливи, тадбирларда депутатлар, куйи бўғинлар етакчилари, тажрибали ишбилармонлар фаол иштирок этиб, маҳаллий бошқарув органлари ишгани такомиллаштириш, аҳоли

ҳамда «Архидиа моторс» МЧЖларда тузилган куйи ташкилотларнинг ғоявий-сиёсий тадбирлар ташкил этишдаги фаоллиги таҳсинга лойиқ. Тадбирларнинг қай даражада таъсирчан бўлганлигини ўтган йил бошидан буён 687 нафар киши партия сафида бўлишга қарор қилганида, 45 та янги БПТга асос солинганда кўриш мумкин. Бугунга келиб, бу ердаги маслақдошларимиз сони 2807 нафарга, БПТлар сони эса 115 тага етди. Шу билан бирга, талай юртдошларимизнинг, айниқса, коллеж битирувчиларининг тадбиркорликка қўл уришида ҳам юзма-юз мулоқотлар мур-аиян аҳамиятга эга бўлди.

Шу ҳам эътиборга сазоворки, партия таянч нуқталари тадбиркорликка иштиёқи баланд, иқтидорли, навқирон ҳаммаслақларимизга ҳар жиҳатдан қўмақ беришни ўзларининг бурчи, деб билимоқдалар. Ана шундай хайрихолик шарофати туфайли 1 йилдан зиёд вақт мобайнида 40 нафар йигит-қиз партия томонидан ўтказилган турли лойиҳалар, кўрик-танловлар ғолиблари бўлдилар, ўз бизнесини йўлга қўйдилар.

## Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди

Зафаробод туманида Кексаларни эъозлаш йилида О'zLiDePнинг устувор вазибалари мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда партия туман кенгаши БПТлар билан ишлаш бош консультанти Сардор Набиев ҳам сўзга чиқиб, Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда О'zLiDeP куйи бўғинлари ролин кучайтириш, ёлғиз кексаларни ҳар томонлама кўлаб-қувватлаш билан боғлиқ масалаларга тўхтади.

Туман кенгаши депутати Фахриддин Қўлдошев Дастурда баён этилган вазибалар нурунийларимиз турмуш даражасини янада оширишга хизмат қилиши, бинобарин, партия тузилмалари, депутатлар ҳар бир маҳаллада, ҳар бир ҳудудда қарияларни қадрлаш, уларга ёрдам кўрсатиш ишларида фаол қатнашишлари зарурлиги хусусида сўз юритди.

Йиғилишда Давлат дастуридаги чора-тадбирлар режаси атрофлича муҳокама қилиниб, уларнинг ижроси бўйича тегишли вазибалар белгилаб олинди.

Исомиддин ҲАМИДОВ, О'zLiDeP Жиззах вилояти кенгаши ходими.

## Ўз-ўзини танқид руҳида ўтди

Боёвут туманидаги Ш.Рашидов номи ҚВП бошлангич ташкилотига партия куйи тузилмалари фаолияти самарадорлигини ошириш, улар фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган амалий мулоқот ўтказилди.

— Партияимизнинг мақсад ва вазибалари изчил амалга оширилишида куйи бўғинлар алоҳида ўрин тутуди, — дея тадбирдан кўзланган мақсадни изоҳлади БПТ етакчиси Муаттар Мирзажонов. — Демак, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, аъзолар сифат таркибини узлуксиз яхшилаш доимо диққат марказида бўлиши керак.

— Тадбир ўз-ўзини танқид қилиш руҳида ўтди, шунингдек, таҳлилларга ҳам кенг ўрин берилди, — дейди О'zLiDeP Боёвут туман ташкилоти раиси ўринбосари Абдураҳмон Шуқуров. — Иштирокчиларга БПТларни шакллантириш тамойиллари ва уларнинг оптимал-ташқилий жиҳатлари бўйича тушунчалар берилди. Жумладан, БПТлар аҳолининг барча қатламлари орасида бевосита иш олиб бориш имкониятига эга экани таъкидланиб, улар фаолиятини тубдан яхшилаш, бу борадаги илгор тажрибаларни омаллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Йиғилишда кун тартибидagi масала юзасидан кўлаб асосли таклиф ва истаклар билдирилди. Шунингдек, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш, уларни партиявий ишларга янада кўпроқ жалб этиш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Ўз мухбиримиз.



**Биз — XXI асрда яшаяпмиз!**  
**Биз — XXI асрда ишляяпмиз!**  
**Сиз — «XXI ASR»га обуна бўлдингизми?**

**Нашр индекси: 406**  
**Мурожаат учун телефон: (0 371) 215-63-80.**

# САНОАТ

**Орол денгизи остонасида мустақил Ўзбекистон кимё саноатининг чинакам мўъжизаси бўлган Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши ниҳоясига етмоқда**

# Устюрт мўъжизаси

Янгибой КҮЧҚОРОВ,  
«XXI asr»

Шу ўринда яқин ўтмишимиздаги муҳим жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Республикаимиз мустақиллик декларациясини эълон қилган кунларда баъзилар Қорақалпоғистоннинг истиқбол масаласида тирноқ остидан кир излашга киришган эдилар. Юртбошимиз эса бу борадаги барча миш-мишларга узил-кесил чек қўйиб, минтақа иқтисодиётининг оёққа туришига бош-қош бўлди. Зеро, иқтисод ҳар қандай ҳудуд ривожига бирламчи аҳамият касб этади.

Маълумки, 1999-2001 йилларда Оролбўйи ҳудудига жиддий курғоқчилик юз берди. Қорақалпоғистон 1993 йили давлатга 318 минг тонна пахта сотган бўлса, бу микдор 2001 йилга келиб 6 бараварга қисқариб кетди. Худуд флора ва фаунаси, айниқса, аҳоли генофонди катта хавф остида қолди.

Ушанда ҳам давлатимиз раҳбари бирдан-бир тўғри йўлни тутди. Яъни экологик вазиятни минтақанинг макро ва микроиқтисодиётини ривожлантириш, шунингдек, халқаро ҳамжамият иштирокини кучайтириш орқали юмшатишга киришди. БМТ Бош ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишлаб Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган олий даражадаги ялпи маж-

лисида Орол денгизининг қуриши давом этаётгани ва унинг атрофида гуманитар ҳалокат содир бўлаётгани сабабли Оролбўйининг табиий биологик фондини асраб-авайлаш, Орол инқузозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган юз минглаб одамлар ҳаётига таъсирини камайтириш долзарб вазифа эканлигини таъкидлади. Шунинг алоҳида қайд қилиш кераки, айнан Ислон Каримовнинг БМТ минбаридан туриб 4 марта бу кенг миқёсли, тобора сайёравий аҳамият касб этиб бораётган муаммони кўтариб чиқиши БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг Оролбўйи ҳудудига бўлган эътиборини кучайтирди.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан 2008 йилнинг октябрида Оролни кўтқариш жамғармасига БМТ Бош ассамблеясида кузатуви мақоми берилди. БМТ Бош котиби Пан Ги Мун 2010 йилнинг баҳорига Мўйноқда бўлиб, денгиз акваторияси, бу ерда юзага келган экологик вазият билан атрофлича танишгани, мавжуд аҳволни яхшилашга доир мақбул тавсияларни илгари сургани, Нукусда оммавий ахборот воситалари учун брифинг бергани, жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини Оролбўйи минтақаси учун тобора ҳаёт-мамот масаласига айланиб бораётган бу муаммога қаратгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Буларнинг барчаси Орол муам-

мосини ҳал қилишда амалий қарарларга йўл очди. Жамғарманинг 2010 йилнинг октябрида Алматиде ўтказилган йиғилишида бу ҳудуддаги экологик вазиятни юмшатиш мақсадларига 1,3 миллиард АҚШ доллари микдорига маблағ ажратилди. Президентимиз ташаббуси билан

бир элат эди. Энди Қўнғирот туманининг ушбу элати мамлакат саноат харитасининг йирик нуқтасига айланади. Устюрт газ-кимё мажмуасига рамзий тамал тоши қўйилган тантанали маросим «Қирқиз» мавзесидан телекўприк тарзида бутун жаҳонга намойиш этилди.

мехмонхонасида бўлиб ўтган тантанали тақдирлаш маросимида бутун дунёдан энг муҳим инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этадиган йирик халқаро экспорт-импорт агентликлари, тижорат банклари, консалтинг компаниялари вакил-

га топширилиши билан мустақил мамлакатимиз иқтисодиётида янги саҳифа очилди.

Айнан ушбу факт лойиҳанинг инновационлиги билан бирига, уни йилнинг энг яхши битими, деб топиш учун асос бўлди.

Тадбир ташкилотчилари,

«Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусида Урганч шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияда яқунларига кўра, Оролбўйидаги экологик офат оқибатларини бар-тароф этиш мақсадларига 3 миллиард АҚШ доллари микдорига донолик маблағлари, грантлар ажратилди. Бу маблағ экологик офат ҳудудига аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, бандлигига қўмаклашиш, минтақанинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш, денгиз остонасидаги кичик сув ҳавзаларига, биринчи навбатда, Мўйноқдаги Дарёборлиги сув омборига, Бўрлитов магистрал каналига оби ҳаёт етказиб бериш, мавжуд ирригация ва мелiorация тизимини яхшилаш, тиббиёт соҳасини мустаҳкамлашга йўналтирилди.

«Дилоджик» консалтинг компанияси (Буюк Британия) томонидан эълон қилинган рейтингга кўра, Сурғил кони негизда Устюрт газ-кимё мажмуасини куриш лойиҳаси 2012 йил яқунларига кўра, дунёнинг ўнта глобал инвестицион лойиҳаси қаторидан жой олди. «Reuters Thompson» жаҳондаги етакчи ахборот агентлигининг нуфузли халқаро наشري — «Project Finance International» ҳам ушбу газ-кимё мажмуасини куриш лойиҳасини нефть-кимё ва газ-кимё секторидеги 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этди. 2013 йил 30 январь куни Лондонда «Project Finance International» мукофоти «Ўзбекнефтьгаз» МХК ҳамда Жанубий Корея Республикаси ишбилармон доиралари вакиллари, мамлакатимиз кимё саноати мутасаддилари, жамоатчилик тўланди. Бунгача «Қирқиз» аҳоли маскани улкан саҳро бағридаги кичиккина

Жанубий Корея бу мажмуани барпо этишга 2,6 миллиард АҚШ доллариридан ортиқ тўғридан-тўғри сармага киритаяпти. Корхона ишга тушгач, йилига 400 минг тонна полиэтилен, 100 минг тонна полипропилен, 100 минг тонна пиролиз бензини ишлаб чиқаради. Унинг умумий лойиҳа қиймати 4 миллиард 160 миллион АҚШ долларидан иборат. Мажмуага «Сурғил» қонидан ҳар йили 4,5 миллиард кубометр табиий газ етказиб берилди.

«Дилоджик» консалтинг компанияси (Буюк Британия) томонидан эълон қилинган рейтингга кўра, Сурғил кони негизда Устюрт газ-кимё мажмуасини куриш лойиҳаси 2012 йил яқунларига кўра, дунёнинг ўнта глобал инвестицион лойиҳаси қаторидан жой олди. «Reuters Thompson» жаҳондаги етакчи ахборот агентлигининг нуфузли халқаро наشري — «Project Finance International» ҳам ушбу газ-кимё мажмуасини куриш лойиҳасини нефть-кимё ва газ-кимё секторидеги 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этди. 2013 йил 30 январь куни Лондонда «Project Finance International» мукофоти «Ўзбекнефтьгаз» МХК ҳамда Жанубий Кореянинг «Kogaz», «Lotte Petrochemicals» компаниялари ва «Uz-Kor Chemicals» қўшма корхонаси консорциуми вакиллари топширилди. «Хилтон Парклейн»

лари қатнашган. Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишини лойиҳавий молиялаш нафақат Ўзбекистон, балки бутун МДХ газ-кимё сектори учун бу турдаги илк битим экани қайд этилган эди. Корхонанинг йиллик экспорт ҳажми 750 миллион доллардан ошиши, маҳсулотнинг асосан Европа, Шарқий ва Жанубий-шарқий Осиё бозорларида сотилиши мўлжалланмоқда.

— Гигант корхонамизнинг қурилиши жадал суъратларда ниҳоясига етказилмоқда. — дейди «Uz-Kor Chemicals» масъулияти чекланган жамияти раиси ўринбосари Фахриддин Абдурауфлов. — Муҳтарам Президентимиз ўтган йилнинг 24 апрель куни Устюртга келиб, иш фаолиятимиз билан танишгани кўп сонли курувчилар жамоаси ва хорижий ҳамкорларимизнинг кучига куч, гайратига ғайрат қўшди. Корхона 2015 йилнинг сентябрь ойида дастлабки маҳсулотни бера бошлаганида 1400 нафар малакали мутахассисни ишлаб таъминланади. Уларни ўқитиш, тегишли олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида қайта тайёрлашга 2007 йилнинг сентябрий ойдан иш ўрганувчилар учун 3 ойлик касбга йўналтириш гуруҳлари фаолият олиб бормоқда. Айни кунда навбатдаги гуруҳ ўқув маҳсулотларини ниҳоясига етказмоқда. Корхонамиз фойдаланиш-

жаҳон молия бозорларидаги беқарорликка қарамай, Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳаси учун 2,54 миллиард доллар микдоридеги кредит маблағларининг жалб этилиши алоҳида эътирофга сазовор эканлигини таъкидлади. Ушбу битимнинг бундай юксак муваффақияти «ўзбек модели»нинг юқори самарадорлигидан яна бир далолатдир.

Ўзбекистонда ислохотларнинг самарали амалга оширилиши на-трижасида сиёсий, ижтимоий ва мар-роқитсодий барқарорлик тобора мустаҳкамланмоқда, хорижий сар-моядорлар ва кредиторларнинг мамлакатимизга инвестиция кири-тишга қизиқиши ортмоқда.

Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишини лойиҳавий молиялаш битими-га берилган ушбу юксак муко-фот етакчи халқаро инвестицион банклар, хорижий сармомядорлар ва кредиторларнинг эътиборини ўзига жалб қилди. Уларнинг вакил-лари тантанали маросимда Ўзбе-кстоннинг лойиҳалари халқаро миқёсда улкан эътибор қозона-ётганлигини таъкидлаб, мамла-катимизда амалга оширилдиган янги йирик лойиҳаларда иштирок этишга тайёр эканликларини бил-дирдилар.

Бир сўз билан айтганда, Устюрт мўъжизасини амалда тан олдилар.

# Уч қоидага амал қилаётган муҳандис

**Мамлакатимизнинг қисқа давр ичида ёқилғи-энергетика ресурслари мустақиллигига эришишда Қашқадарё вилоятининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Зеро, воҳа заминининг ерости бойликлари бисёр. Унинг қаърида ноёб маъданлар, катта аҳамиятга эга бўлган қимматли хом ашё захиралари яширин. Эътиборлиси, республикамизда қазиб олинаётган табиий газнинг 64 фоиздан ортиги, нефтининг 67, газ конденсатининг 87,4 фоизи мазкур вилоят улушига тўғри келади. 2014 йил давомида бу ердан 47 млрд. 842 млн. метр куб табиий газ, 796,4 минг тонна нефть, 1 млрд. 532,2 минг тонна конденсат қазиб олинган**

Сайфулла ИКРОМОВ,  
«XXI asr»

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган ислохотлар изчил давом эттирилиб, Ўзбекистонда нефть-газ мустақиллигига эришилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Давлатимиз раҳбарининг қатъий яттилиги тўғрисида йиллар давомида тўхтаб ётган лойиҳалар амалиётга жорий қилиниб, нефть ва газ саноатида улкан ўзгаришлар юз берди. Энг қувонарлиси, нефть ва газ саноатини ривожлантириш стратегик концепцияси ёш ва билимдон маҳаллий мутахассислар томонидан амалиётга татбиқ этилди.

Шунинг алоҳида айтиб ўтиш кераки, собиқ иттифоқ даврида Шўртан-даги этан газ негизда «Шўртангазкимё» мажмуасини куриш бўйича билдирилган тақлифлар ҳукумат томонидан қатъиян рад этилган бўл-са-да, бу муҳим қурилиш ўша пайтда вилоятда раҳбар бўлган Ислон Каримовнинг диққат эътиборида бўл-ган. Хусусан, жуда кўп бора Ҳузорга келиб, курувчилар билан учрашгани, уларни қийнаётган муаммоларни бартароф этишга қўмаклашгани, мажмуани фойдаланишга топшириш маросимида унинг истиқболига катта умид ва ишонч билдирганини вилоят аҳли ҳозиргача мамнуният билан эслайди.

— Дарҳақиқат, мажмуамиз қурилиши Юртбошимизнинг ташаббуси ва раҳнамолигида амалга оширилган энг улғувор ишлардан бири бўлди, — дейди «Шўртангазкимё» мажмуаси буг, газ, ҳаво таъминоти чеҳи бошлиғи Нурилла Турдиқуллов. — Марказий Осиёда соҳанинг ягона йирик корхонаси саналган мажмуа Шўртан газ конлари жойлашган Ҳуздор туманидаги Кенгсой чўл сарҳа-ди бағрида қад ростлади. Бунёдкор-

лик ишлари «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компаниясининг энг замонавий ва истиқболли лойиҳалари асосида Германия, Италия, АҚШ, Россия ва Япониянинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда амалга оширилди. Корхонамиз нефть ва газ саноатининг замонавий технологиялари билан жиҳозланган бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ компьютерлаштирилган. Мажмуа йилига 3,9 млрд. метр куб табиий газни қайта ишлаб, 125 минг тонна полиэтилен гранулалари, 100 минг тонна суюлтирилган газ, 100 минг тонна газ конденсати ишлаб чиқариш қуввати-га эга. Бугун мажмуа маҳсулотлари-га нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатлардаги қатор корхоналар ҳам харидор бўлмоқда.

Ўтган давр мобайнида «Кўкдумалок» нефть, газ ва газ конденсати конини ўзлаштириш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. АҚШнинг «Келлог» компанияси билан ҳамкорликда қурилган ком-прессор станцияси технологик му-камаллиги билан дунёда саноқли, МДХда ягонадир. Ерости захира бо-симини ўшлаб туриш ва газ конденсатини бир меъёсда қазиб чиқариш мақсадида Япония ва америкалик мутахассислар ҳамкорлигида қурил-ган бу улкан иншоотнинг ишга туши-рилиши катта тантананага айлан-ди. Бутун дунёнинг етакчи нефть ва газ компанияларининг вакиллари ишти-рок этган анжуманда бу лойиҳа му-стақил давлатимизнинг салоҳиятини юксалтиришдаги муҳим қадам сифа-тида эътироф этилди.

Айни пайтда «Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўъба корхонасининг 19, 20, 21-блочлари-да газни тозалаш қувватини ошириш лойиҳаси, Шўртан, Шимолий Шўртан, Жанубий Кемачи, Қуруқ, Ғарбий Қуруқ, Шимолий Ўртабулоқ ва Умид конларида газ чиқиндиларини зарарсизлантириш объектлари, Со-монтепа, Гирсан, Чўлқувар, Қумли,



Тойлоқ ҳудудларида газ конденсати объектлари қурилишининг иккинчи навбатини ишга тушириш жадаллик билан олиб борилаяпти.

«Шўртангазкимё» мажмуасининг метан газини тозалаш базасида синтетик суяк ёқилғи ишлаб чиқариш иншоотини куриш ишлари қизғин да-вом эттирилмоқда. Жанубий Африка Республикасининг «Saso» компа-нияси ва Малайзиянинг «Petronas» корпорацияси ҳамкорлигида ишга туширилиши мўлжалланган ушбу лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши йил-га 863,4 минг тонна дизель ёқилғиси, 304 минг тонна керосин, 393,5 минг тонна нефть, 11,2 минг тонна суюл-тирилган газ ишлаб чиқариш имко-нини беради.

«Муборак газни қайта ишлаш заводи» УШБ қошидаги газ-кимё ма-жмуаси ишга тушгач, бу ерда йилига 492 минг тонна полиэтилен, 66 минг тонна газ конденсати, 53 минг тонна пиробензин ишлаб чиқарилади.

— Инсон ҳаётида учта қоидага амал қилиши керак, деб ўйлаётман: кечанинг сабогини унутмаслик, бугунги бахтли кунларга шукрона қилиб янада самарали ишлаш, Ватаннинг чарогон истиқболига интилиб яшаш, — дейди «Шўртан-

нефтьгаз» унитар шўъба корхонаси бош муҳандиси Шавкат Насимов. — Бунга мен ўз ҳаётим давомида иқдор бўлаяпман. Меҳнат фаоли-ятимиз мустақилликнинг илк йил-ларида «Шўртангаз» газ конлари текши суяк ёқилғи ишлаб чиқариш иншоотини куриш ишлари қизғин да-вом эттирилмоқда. Жанубий Африка Республикасининг «Saso» компа-нияси ва Малайзиянинг «Petronas» корпорацияси ҳамкорлигида ишга туширилиши мўлжалланган ушбу лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши йил-га 863,4 минг тонна дизель ёқилғиси, 304 минг тонна керосин, 393,5 минг тонна нефть, 11,2 минг тонна суюл-тирилган газ ишлаб чиқариш имко-нини беради.

«Шўртангазкимё» мажмуасининг метан газини тозалаш базасида синтетик суяк ёқилғи ишлаб чиқариш иншоотини куриш ишлари қизғин да-вом эттирилмоқда. Жанубий Африка Республикасининг «Saso» компа-нияси ва Малайзиянинг «Petronas» корпорацияси ҳамкорлигида ишга туширилиши мўлжалланган ушбу лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиши йил-га 863,4 минг тонна дизель ёқилғиси, 304 минг тонна керосин, 393,5 минг тонна нефть, 11,2 минг тонна суюл-тирилган газ ишлаб чиқариш имко-нини беради.

«Муборак газни қайта ишлаш заводи» УШБ қошидаги газ-кимё ма-жмуаси ишга тушгач, бу ерда йилига 492 минг тонна полиэтилен, 66 минг тонна газ конденсати, 53 минг тонна пиробензин ишлаб чиқарилади.

— Инсон ҳаётида учта қоидага амал қилиши керак, деб ўйлаётман: кечанинг сабогини унутмаслик, бугунги бахтли кунларга шукрона қилиб янада самарали ишлаш, Ватаннинг чарогон истиқболига интилиб яшаш, — дейди «Шўртан-

зарур масалалардан бири сифа-тида кун тартибига қўйилди. Қайта ишлаш объектлари қурилиб ишга туширилиб, бургулаш ва ўзлашти-риш қийин бўлган майдонлар ҳисо-бига газ захираларини кўпайтириш-гач, махсулот ишлаб чиқариш тури ва ҳажми ўсиб борди.

Корхонамизда ишчи-ҳодим-ларнинг яшаш шaroитларини яхшилашга алоҳида эътибор қар-ратилаётми. Хусусан, Қарши шаҳридаги 7-митти туманда 20 дан ортиқ, шаҳар марказида қуриб фой-даланишга топширилган 2 та кўп қаватли уй, 100 дан ортиқ коттеж, 280 ўрилли ишчилар ётоқхонаси ва меҳмонхона фаолият юритмоқда. Барча қўлайликларга эга ва замона-вий тиббий асбоб-ускуналари билан жиҳозланган шифохона иш-чи-хизматчиларга тиббий хизмат кўрсатаяпти. Ишловчиларнинг фарзандлари ёғи таътиб даврида дам олишларини таъминлаш учун сўлим Яққабоб тумани тоғ ён бағри-да жойлашган 450 ўрилли «Шўр-тан қалдирғочи» номли болалар оромгоҳи ишлаб турибди. Албатта, буларнинг ҳаммаси юртимиздаги тинчлик, барқарорлик, кадрларга, мамлакат келажак бўлган ёшлар-га берилаётган эътибор ва ғамқўр-ликнинг ёрқин намунасиридир.

Бугунги кунда Президентимиз-нинг 2013 йил 18 ноябрдаги «Ўз-бекистон Республикасининг 2014 йилги Инвестиция дастурини ша-клантириш тўғрисида»ги қарорига ИЭС» унитар корхоналарида оп-тита модернизациялаш, техник та-ва технология жиҳатдан янгилаш ишлари, шунингдек, иккита янги лойиҳа амалга оширилмоқда. Ху-сусан, «Муборакнефтьгаз» УШКга қарашли Алян конини 2012-2014 йилларда қуриб битказиш лойиҳа-

си учун 90,5 млн., «Шўртан ДКС-2» кони лойиҳаси бўйича 73,4 млрд., «Жанубий кемачи конини 2009-2021 йилларда қуриб битказиш лойиҳасига 50,5 млн., «Шўртангаз-кимё мажмуаси» УШКнинг метан тозалаш базасида 2009-2016 йил-ларда синтетик ёқилғи ишлаб чиқа-риш лойиҳаси бўйича эса 53,6 млн. АҚШ доллари микдоридеги маблағ ўзлаштирилди. «Ўзбекэнерго» ДАК таркибидеги «Талимаржон ИЭС»-ни кенгайтириш бўйича 2010-2016 йилларда 450 МВт қувватига эга иккита буғ-газли қурилмани куриш лойиҳаси бўйича ўтган давр мо-байнида 117 млн. АҚШ доллари маблағ сарфланди.

Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида вилоятда чиқинди газларни зарарсизланти-риш 1 млрд. 140 млн. метр кубга, нефть қазиб олиш 185,4 минг тон-нага, конденсат қазиб олиш 71,7 минг тоннага, электр-энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 900(2х450) МВтга кўпаяди ва 863,4 минг тонна дизель ёқилғиси, 304 минг тонна керосин, 492 минг тонна полиэти-лен ва 53 минг тонна пиробензин каби 3 та янги махсулот ишлаб чиқаришга эришилади.

Муҳтасар қилиб айтганда, қашқадарёликлар нефть ва газ саноатини янада ривожланти-риш, қайта ишлашни кўпайтириш борасида янги-янги режаларни амалга ошириш, фан ва техника янгиликларини амалиётда қўллаш борасида самарали иш олиб бо-ришяпти. Минглаб саноат корхо-наларини ҳаракатга келтираётган, хонадонларга фаровонлик бахш этаётган нефть ва газ бойликлари-ни қазиб, қайта ишлаш улар-нинг умр мазмунига айланган. Эл фаровонлиги, юрт равнақи йўлида қилинаётган бу улғувор ишлар му-стақил мамлакатимиз нефть ва газ саноати тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилиши, шубҳасиз.

## Ўзаро ишонч, ташаббус ва рағбат...

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги тенг манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Тошкентда икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида ўтказилган навбатдаги кооперацион биржада бу жиҳат алоҳида эътироф этилиб, қатор йўналишлар бўйича талайгина келишувларга эришилди. Юртимизнинг иқтисодий салоҳиятига доир тақдиротда икки томонлама тузилган 200 дан ортиқ шартнома асосида олиб

борилаётган ишлар, жумладан, «Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши», «Тошкент вилоятида тўқимачилик мажмуасини ташкил этиш» сингари йирик инвестиция лойиҳаларининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, корейлик тадбиркорлар «Навой» эркин-индустриал иқтисодий ва «Ангрен» махсус иқтисодий зоналарида хорижий шериклар учун яратилган шaroитлар ва ҳамкорлик истиқболлари билан ақидан таништирилди.

Бугунги кунда республикамизда Жанубий Корея инвестицияси иштирокида 400 дан ортиқ савдо-сотик, энгил саноат, тоғ-кон ва металлургия, кимё, озиқ-овқат, машинасозлик, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш йўналишларидаги корхоналар мавжуд. Уларнинг қарийб 70 таси 100 фоиз мазкур мамлакат капитал асосида фаолият кўрсатмоқда.

— Ушбу мулоқотда Жанубий Кореянинг 10 дан ортиқ фирма ва компаниялари иштирок этаётган бўлиб, уларнинг асариятини кичик бизнес вакиллари ташкил этади, — дейди «Tricos со. LTD» раҳбари Парк Ми Жўнг — Мақсадимиз Ўзбекистоннинг ишбилармонлар билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш асосида ишлаб чиқаришга қаратилган ташаббуслар билан ўртоқлашиш, Ўзбекистон бозорларида янги ҳамкорликни топишдан иборат.

Қизгин суҳбатларни кузатар эканмиз, ўзбек тадбиркорларининг наинки сўзи, балки интилиш ва шашти, дунёқарашидаги ўзгаришлар эътиборимизни тортиди. Кооперация биржаси давомида иссиқхонами замонавий технология билан жиҳозлашга қаратилган илк шартнома корейлик бизнесмен Жо Мунг Хо ва самарқандлик тадбиркор Шухрат Тошмуродов ўртасида имзоланди. Меҳмонлар мазкур тадбир доирасида юртимиздаги замонавий корхоналарни ҳам бориб кўрдилар. Айтиб ўтилганидек, бу учрашувлар давлатларимиз ўртасидаги манфаатли алоқалар истиқболини янги босқичда ривожлантиришга хизмат қилади.

Севара АЗИМОВА.

## Ижтимоий шериклик субъектлари

Фаргона вилоят ҳокимлиги ҳамда Адлия бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда жорий йилнинг 1 январидан кучга кирган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш бўйича қилинаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этган тадбирда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, кичик бизнесни ривожлантириш, шунингдек, соғлом авлодни тарбиялаш каби йўналишлар ижтимоий шериклик соҳалари экани, ҳудудда бу борада зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётганини қайд этилди. — Мазкур қонунда давлат органлари, ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий шериклик субъектлари ҳисобланиши белгиланган, — дейди адлия бошқармаси масъул ходими Маъмуржон Топовдиев. — Бугунги анжуманда асосий эътибор ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш ҳамда худудий дастурларни ишлаб чиқишда ижтимоий шериклик субъектларининг ролини янада оширишга қаратилди.

Семинар давомида мутахассислар иштирокидаги қонунга бўйсиниш, тенг ҳуқуқлилик, холислик, ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инобатга олиниши ва маъсулият тўғрисида кенг тушунарлар бериб, юрт равнақи, аҳоли турмуш фаровонлиги йўлида ҳар бир мутасадди идора вакили, ҳар бир фуқаро бирдек масъул эканини таъкидладилар. Ахоржон МУСУРМОНОВ.

## РЕКЛАМА ЎРНИДА

**Буюк келажигимизни истиқлол туфайли яратилган улкан имкониятлардан унумли фойдаланиб, спорт, маданият, санъат, адабиёт ва тадбиркорлик йўналишларида юқори натижаларни қўлга киритаётган ёшлар бунёд этади**

мажмуа доимо ёшлар билан гавжумлигини айтиб ўтиш лозим.

Наврўз кунлари Учқудуқ туман марказининг кўп қаватли уйлари ҳамда намунавий лойиҳа асосида бунёд этил-

да амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарадорлигида 44 та партия таянч ташкилотига бирлашган 1300 нафардан зиёд маслақдошимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

# Учқудуқнинг нурли эртаси

Мансур АСПОНОВ,  
«XXI asr»



Мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларидан бири — Учқудуқ туманида истиқомат қилувчи аҳолининг салкам 65 фоизини ташкил этган ёшларнинг илм олиши, касб-хунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши ҳамда бўш вақтларини сермазмун ўтказиши учун ҳаваас қилгулик даражада шароитлар яратилган.

Тумандаги 20 та ўзбек, қозоқ ва рус умумтаълим мактабида 5300 нафардан зиёд ўғил-қиз таълим ва тарбия олади. Шунингдек, битта болалар мусиқа ва санъат, иккита болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, иккита касб-хунар коллежи, Навоий кон-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармасига қарашли «Лочин» спорт мажмуаси, шунингдек, «Замондош» маданият саройида ташкил этилган турли тўғарларда минглаб ёш ўз маҳоратини ошириб, иқтидорини

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ УЧҚУДУҚ ТУМАН КЕНГАШИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ТАНАЯ РАҲИМОВНИНГ ТАЪКИДЛАШИДА, ТУМАНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОХОТЛАР САМАРАДОРЛИГИДА 44 ТА ПАРТИЯ ТАЯНЧ ТАШКИЛОТИГА БИРЛАШГАН 1300 НАФАРДАН ЗИЁД МАСЛАҚДОШИМИЗНИНГ ҲАМ МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР.**

Айниқса, уларнинг яримдан кўпи, яъни 746 нафарини ташкил этувчи ёшлар бошқаларга ўрнак бўлаётди. Масалан, «Иссиқ нон» хусусий корхонаси раҳбари, «Шухрат» медали соҳиби Шукрулло Тилавов, шунингдек, Меҳридин Шамсиддинов, Клара Дўстова сингари тадбиркорлар туманга инвестиция киритиш, янги иш



ган янги турар-жой массиви ўртасида «Орзу» маданият ва истироҳат боғи барпо этилди.

— Ўзига хос дизайн буйича манзарали дарахт ва гулларга бурканган ўнлаб болалар майдончалари, томошагоҳ ҳамда аттракционлардан иборат боғни барпо этишда НКМКнинг Шимолий кон бошқармасига қарашли меҳнат жамоалари жонбозлик кўрсатди, — дея фикрини давом эттирди К.Дўстобоев. — Эътиборлиси, байрам кунлари бу ерга ташриф буюрган катталар ҳам фарзандларининг қувончу шодлиқларига шерик бўлдилар.

«Жавоҳир Навоий» МЧЖ қурувчилари Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи талабаларига ўзига хос туғфа тортиқ этдилар. Зеро, Наврўз айёмида умумий қиймати 1 миллиард 85 миллион сўмга тенг бўлган, 100 ўринли талабалар турар-жойи ётоқхонаси фойдаланишга топширилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Учқудуқ туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Тания Раҳимова-нинг таъкидлашича, туман-

намоён этиб келмоқда. — 2014 йили туманда амалга оширилган лойиҳалар асосида 193 та маиший хизмат ва сервис хизматлари кўрсатиш шохобчаси ишга туширилди, — дейди туман ҳокимлиги етакчи мутахассиси Комил Дўстобоев. — Натижада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 10,8 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 4,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотлари 6,6 фоиз, қурилиш ишлари 8,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 14,8 фоиз, капитал қўйилмалар 18,8, хизматлар кўрсатиш ҳажми эса 24 фоизга ортди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўл-



— Бизнинг юмал инсонлар бўлиб қола етишимиз, билим олишимиз, фан ва техника сирларидан воқиф бўлишимиз, спорт билан мунтазам шуғулланишимиз учун барча имкониятлар мавжуд, — дейди Учқудуқ кончилиги коллежи иккинчи босқич талабаси, Зулфия номдаги Давлат мукофоти соҳибаси Ирода Жуманова.

Дзюдо бўйича беш карра Ўзбекистон чемпиони, бир неча бор халқро мусобақалар совриндори И.Жуманова айна кунда мурабийси Олег Кудлошев раҳбарлигида наватбадаги нуфузли мусобақаларга жиддий тайёргарлик кўриш баробарида, 2018 йил Буэнос-Айресда бўладиган ўсмирлар ўртасидаги III Олимпия уйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи рейтинг балларини тўпламоқда.

Қувонарлиси, 2014 йилда Ўзбекистон аёллар миллий терма жамоасига қабул қилинган Ирода айна пайтда жаҳондаги энг кучли ўсмир дзюдочилар рўйхатининг 19-погонасини эгаллаб турибди.

Ҳа, Учқудуқ туманига бўлган қисқагина сафаримиз чоғида амин бўлдики, муҳтарам Юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!» деган шиори барча жабҳаларда ижобатини топаётди.

# Экспорт салоҳиятини юксалтириш йўлида

**Бугунги кунда фаолияти экспортга йўналтирилган корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлаши учун кенг имкониятлар яратиш мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда**

Фахриддин НУРАЛИЕВ,  
«XXI asr»

Бу борада, айниқса, давлатимиз раҳбарининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эътиборга моликдир. Унга кўра, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш республика жамғармаси 2019 йилнинг 1 январига қадар ягона ижтимоий тўлов, бошқа барча турдаги солиқ ва боғхона тўловларидан озод қилинди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эса товарлар ҳамда хизматларни олдиндан ҳақ тўламасдан хорижий валютада экспорт қилиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Жамғарманиннг Сурхондарё вилоят филиали шундан келиб чиқиб, ўз фаолиятини янада такомиллаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Худудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжалиқларига экспорт шартномалари тузиш, маҳсулотларни экспорт қилиш, чет

элда ўтказилаётган кўрғазма ва ярмаркаларда иштирок этиш, уларга молиявий ва ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, рақобатбардош товарларни жаҳон бозорига олиб чиқишда яқиндан ёрдам кўрсатилаётганлиги фикримизга далил бўла олади.

Хусусан, жорий йилнинг дастлабки ойлари давомида вилоятдаги 50 га яқин тадбиркорлик субъектларига 17,2 млн. АҚШ доллари миқдорига экспорт шартномалари тузиш, ялпи қиймати 70 минг долларга тенг ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Россия, Қозоғистон ва бошқа хорижий давлатларга экспорт қилишда яқиндан кўмаклашилди.

Вилоятда 13 та тайёрлов-савдо корхоналари ташкил этилган бўлиб, улар билан тегишли шартномалар имзоланган. Жумладан, «Агро Стела» МЧЖ ҳамда «Қумқўрғон озиқ-овқат моллари» давлат унитар корхонаси билан россиялик ҳамкорлар, шунингдек, «Умаржон-КХМЕКИК» хусусий корхонаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида жами 8 млн. 293 минг АҚШ доллари миқдорига шартномалар имзоланди. Ушбу манфаатли битимга асосан жорий йилнинг 2-3

чоракларида тегишли маҳсулотларни экспорт қилиш кўзда тутилмоқда.

Жамғарма филиали томонидан вилоятдаги экспорт салоҳиятига эга бўлган корхоналарда хом ашё базасини шакллантириш ва хизматлар бозорини ривожлантириш мақсадида банклар томонидан имтиёзли, фоизсиз маблағлар ажратилишида яқиндан ёрдам кўрсатилмоқда. Чунончи, «Абдурахмон Абдуғаффор Давр» хусусий корхонасига 100 млн. сўм кредит олишда кўмаклашилди. Натижада мазкур корхона ўз имкониятларини кенгайтириб, жорий йилнинг ўзига 28 минг АҚШ доллари миқдорига маҳсулот экспортини амалга оширишга эришди. Бундан ташқари, вилоятнинг барча туманларида тадбиркорлар билан давра суҳбатлари ташкил этилмоқда, жамғарма томонидан кўрсатиладиган хизматлар, тадбиркорлар учун яратилаётган қулайликлар, имтиёз ва шароитлар ҳақида кенг маълумот берилмоқда.

Яқин келажакда вилоятдаги 10 та корхона маҳсулотларини хорижий ярмарка ва кўрғазмаларда намойиш этиш, шу ҳисобдан 10 млн. доллардан ортиқ экспорт шартномаларини имзолаш режалаштирилган. Ана шундай истиқ-

болли битимлар ҳисобига июль-ноябрь ойлари давомида Жанубий Корея ҳамда МДҲ давлатларига 500 минг доллар миқдорига мева, сабзавот-полид маҳсулотларини экспорт қилиш кўзда тутилмоқда.

Жамғарма филиали томонидан фаолияти экспортга йўналтирилган корхоналарга хом ашё базасини шакллантириш ва ўз маҳсулотларининг ташқи савдосини амалга ошириш учун ҳозиргача 100 млн. сўм миқдорига фоизсиз кредит ажратилишида яқиндан ёрдамлашилди. Бу эса худудда ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётди.

Бир сўз билан айтганда, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Сурхондарё филиали жамоаси экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сафини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, халқаро миқёсда мамлакатимиз нуфузини ошириш йўлида астойдил изланиб, сезиларли натижаларга эришапти. Бу эса ҳозирги иқтисодий ислохотлар жараёнида муҳим аҳамиятга эгадир.

# «Бизга мурожаат этувчи тадбиркорлар тобора кўпаймоқда»

**Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг экспорт салоҳияти тобора юксалиб, улар ўз маҳсулотлари билан ташқи бозорда муносиб ўрин эгалламоқда. Бунда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор**

Шахзод НАЗАРОВ,  
«XXI asr»

Хусусан, мазкур жамғарманиннг Жиззах вилоят филиали томонидан маҳаллий тадбиркорларга ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижа йўналтириш, экспорт қилувчиларни эҳтимолли хавф-хатардан ҳимоя қилиш, бошқа мамлакатлар конунчилиги бўйича талаб этиладиган зарур лицензия ва сертификатлар олиш жараёнида ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Филиал кўмағида жорий йилнинг январь-март ойлари давомида 20 дан ортиқ тадбиркорлик субъектига кўрсатилган молиявий, ташкилий, ҳуқуқий кўмак натижасида 4,5 млн. АҚШ доллари тенг маҳсулотлар экспорт қилинди. Ушбу тадбиркорлик субъектларига жамғарма филиали томонидан ташқи

бозорларни ўрганиш ва хориждан ишончли ҳамкор топиш, хорижда ташкил этиладиган халқаро кўрғазма ва ярмаркалар, тендерларда қатнашиш, экспорт шартномаларини тузишда ҳам ёрдам кўрсатилди.

**ФИЛИАЛ КЎМАГИДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ-МАРТ ОЙЛАРИ ДАВОМИДА 20 ДАН ОРТИҚ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИГА КЎРСАТИЛГАН МОЛИЯВИЙ, ТАШКИЛИЙ, ҲУҚУҚИЙ КЎМАК НАТИЖАСИДА 4,5 МЛН. АҚШ ДОЛЛАРИГА ТЕНГ МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТ ҚИЛИНДИ.**

ватлаш ҳамда тадбиркорларга хорижий давлатларда харидор топиб бериш, экспортбоп маҳсулотларини сўғурталаш ва сертифицилаштиришга оид ишларга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ҳақида

ди. Натижада корхонамизда ишлаб чиқариш суръати бир неча баробарга ортди. Бу эса, ўз навбатида, қўшимча иш ўринлари яратишга ва тайёр маҳсулот ҳажми ошишига олиб келди.

— 2015 йил давомида Европа ва Осиёнинг қатор давлатларида саноат маҳсулотларининг халқаро кўрғазмалари бўлиб ўтади. Уларда вилоятимиз тадбиркорларининг иштирок этишларини ташкил қилиш ҳамда харажатларнинг бир қисми жамғарма томонидан қопланиши режалаштирилган, — дейди Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Жиззах филиали директори А.Тоғаев. — Амалий ишлар натижасида жамғармаимизга мурожаат қилувчи тадбиркорлар сони тобора ортиб бормоқда.

## Аҳиллик намойиши

Наврўз байрами йилдан-йилга мафтункорлик касб этиб борапти. Юртимизда яқинда ўтказилган шодийналар ҳам бунга яна бир бора намоён этди. Маҳаллаимиздаги 6900 нафардан зиёд турли миллат ва элат вакиллари бир оиладек иноқ яшайди. Қадимий айём кунларида ўтказилган умумхалқ ҳашари, кенг миқёсли ободонлаштириш ҳамда кўнакамзорлаштириш ишларида уларнинг аҳиллиги яқол кўзга ташланди. Кўча ва хиёбонларга кўллаб дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтказилди.

Маҳаллаимизда истиқомат қилувчи саховатпеша тадбиркорлар ҳамда партияимиздан сайланган депутат Акбар Авизовнинг сатъ-ҳаракатлари билан ёзилган дастурхон байрамга ўзгача руҳ бағишлади. Айниқса, тадбирга таклиф этилиб, совғалар олган ногирон болажонлар, муҳтож оилаларнинг қувончу чексиз эди. Шаҳардаги «Атлас» вокал-чолгу ансамбли яққол Ойдин Файз ижросидаги дилтортар кўшиқлар эса ёш қарини даврага чорлади.

**Шухрат ХОЛМУРОВОВ,**  
халқ депутатлари Зарафшон шаҳар кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси, «Олтин водий» МФЙ раиси.

## Меҳр ва муҳаббат ифори

Табаррук инсонларнинг ҳаёт йўли ҳамшира ибрат бўлиб келган. Уларнинг панд-насихатлари, дуолари ёшларнинг унинг-ўсиб, халқ ва жамият учун манфаат келтирадиган шахс бўлиб шаклланишига хизмат қилади. «Кенсаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Андижон молия-иқтисодий коллежини ташкил этилган тадбир «Қарис бор уйнинг париси бор» деб номланди. Унда сўзга чиққан талабалар кекса отахон ва онахонларга, ҳалол меҳнатчи билан жамиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаятган устозларга самимий тилақларини билдирдилар. Намойиш этилган саҳна кўринишлари ва музикавий композицияларда, ижро этилган шевъ ва монолоғларда ёшларнинг кенсаларга бўлган муҳаббат-эътибори, меҳр-муҳаббати яқол уфуриб турди.

**Эльмира РАҲМОНОВА.**

О'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши партиянинг Бувайда туман кенгаши раиси Азизжон Деҳқоновга отаси **Муҳаммадани ДЕҲҚОНОВ**нинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

О'zLiDeP Ташкент вилоят кенгаши партия Паркент туман кенгаши раиси Хасан Ҳаққуловга отаси **Муяссар АСПАНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

# СУҲБАТДОШ

## Ҳазилкаш йигитларнинг жиддий мулоҳазалари

Ўзбек ҳажвчилиги бой ва бетакрор. Уни асл ҳолича сақлаш, ўсиб келаётган авлодга етказиш, илгари қўлланилган услубларни ривожлантириш, янгиликларни кашф этиш замондош кулги усталари олдидаги долзарб вазифадир. Бу борада бошқа халқлар тажрибасини ўрганиш, яъни халқаро жанрларнинг энг яхши сифатларини ўзлаштириш ҳам фойдадан холи бўлмайди.



«Comedy.uz». Ушбу жамоа йигитларининг ҳажвий чиқишлари бугун кўпчиликнинг эътиборига тушди. Лекин тахририятимизга ташриф буюрган «Comedy.uz» вакиллари — Аббор Абдурахмонов, Азамат Жалолов, Иноятилло Сатторов, Сардор Абдурахмонов саҳнада қанчалик ҳазилкаш бўлса, ҳаётда шунчалик жиддий ва чуқур мулоҳазали эканига ғувоҳ бўлди.

— Аввало, «Comedy.uz» жамоасини ташкил этиш гоёси қандай пайдо бўлганлиги тўғрисида гапласангиз?

— Ҳозирги «Comedy.uz» клуби аъзолари илгари «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловиди ҳар хил жамоаларда фаолият юритган. Икки йил муқомлик асосида бир-биримиз билан яқинроқ танишиб олганимиздан кейин алоҳида жамоа тузишга қарор қилдик. Даставвал, «Аъло» номи билан ҚВЗнинг рус тилидаги лигасида қатнашиб, мутлақ ғолиб бўлдик. Бу эса бизга ҚВН халқаро танловиди иштирок этиш имконини яратди. Шундан сўнг юртимизда ёшларбоп ҳажвий кўрсатув тайёрлаш истаги туғилди. Ушбу пайтларда Европа ва АҚШ телеканалларида комедик жанрдаги кўрсатувлар оммалашиб қолган эди. Шундай қилиб, 2009 йилда «Comedy.uz» вужудга келди. Фаолиятимизни опти нафас иштирокчи билан бошлагандик. Ҳозир жамоамиз аъзолари 26 нафарга етди.

— Кўпчилик сизларни «Comedy.club» ҳажвий кўрсатувидан кўчирма, дейишига қандай қарайсизлар?

— Баъзилар шундай фикр билдириши мумкин. Аммо биз бу жанрда ижод қилишдан олдин кўпгина хорижий, яъни «Стенд-ап» комедия туридаги бир неча кўрсатувларни ўрганиб чиққанмиз. Аслида бу турдаги кўрсатувларнинг дастлабки вариантлари АҚШда пайдо бўлган. Тўғри, ўхшашликлар бор. Бироқ биз маълум маънода миллий менталитетдан келиб чиқиб ижод қиламиз. Ҳозирги кунда бундай кўрсатувларни қўллаб қувватларда кўриш мумкин. Шундай экан, «Comedy.uz»ни кўчирмақашлик дейиш ноўрин, деб ҳисоблаймиз.

— Саҳнага чиқиб, кимнидир кулдириш мураккаб жараён. Шундай экан, сатира ва юморга йўғрилган ихчам сценарийларнинг муаллифи ҳаммани қизиқтиради.

— Биласизми, жамоамиз йигитлари ҳар хил соҳа эгалари. Кимдир филолог, яна кимдир муҳандис, ўқитувчи. Ҳаттоки, ҳарбийлар ҳам бор орамизда. Иш вақтимиз тугагандан сўнг, «Comedy.uz» учун ажратилган хонада йиғилиб, турфа гоёлар ўйлаб топамиз. Шундай топилмаларнинг энг маъқулларини овозга қўйиб тасдиқлаганимиздан кейингина, саҳнага олиб чиқамиз. Бошқача айтганда, сценарийлар муаллифлари жамоанинг барча йигитларидир.

— Маълум сабабларга кўра ижодингизда танлаш қилганингизда нима билан шугулланганингиз ҳам кўпчиликка қизиқ.

— Телекранда кўринмай қолиш иккидан тўхтади, дегани эмас. Бу оралиқда эътиборимиз

ни концертлар уюштириб, ўз репертуаримизни бойитишга қаратдик. Вилоятларда бўлиб, ёшлар билан учрашдик. Хуллас, икки йил жараён тўхтаб қолгани йўқ.

— «Кулги ортидаги ҳақиқат»га муносабатингиз қандай? Ижодингизда кейинги пайтларда ижтимоий муаммоларнинг ҳажвий тикизилган шаклини кўрганингиз. Бунинг сабаби нимада?

— Шундай ёшлар борки, уларга гапни тўғри маънода ўқитиб тушунириш қийин. Ана шундай ҳолатларда кулги йўли билан икки натижаларга эришиш осонроқ эканлигига амалда кўп ғувоҳ бўлганмиз. Зеро, биз яшаб турган жамият ҳам бир оиладир. Шу жамият ривожига кулги йўли билан бўлса ҳам хизмат қилаётганимиздан хурсандимиз.

— Ҳазилда ҳам меъёр бўлиши лозим. Шундагина кимнингдир нафсониятига тегиш ёки хафа қилиш хавфи туғилмайди. Бу борада қандай йўл тутасизлар?

— Устоз санъаткор Ҳожибой Тожиев «Кимнидир кулдириш учун саҳнага чиқдингми, биринчи қаторда ота-онанг ёки яқин қариндошларинг ўтирибди деган тасаввур бўлсин», дея таъкидлаганди. Шу сабабли янги ижод намунаси яратилган олдин ушбу қоидадан чиқиб кетмасликка ҳаракат қиламиз.

— Саҳнага эстрада хонандалари билан биргаликда чиқишдан мақсад нима?

— Албатта, бундай ҳазиллардан олдин хонандаларни огоҳлантириб қўямиз. Чунки ин-

соннинг, айниқса, ижодкор аҳлининг кўнгли нокир бўлади. Баъзида панд еган пайтларимиз ҳам бўлган. Башарти ҳақиқатни ҳазил тарикасида айтган бўлсак ҳам. Лекин кўпчилик санъаткорларимиз бундай ҳазиллардан хурсанд бўлишади. Ҳазил тарикасида айтилган танқиддан керакли хулоса чиқариш ҳам мардлик. Шундай пайтлар бўладики, «юлдуз»ларнинг ўзлари биз билан бирга саҳнага чиқишни таклиф қилишади.

— Кейинги йилларда ижодингизда ўсиш рўй берганини нима билан боғлаясиз?

— Ишонмасангиз керак, ҳаммамиз кўпроқ китоб ўқишга интиламиз. Юртимизда юз бераётган янгиликлар, қабул қилинаётган қонун ва қарорлардан хабардор бўлиб тураемиз. Бир суз билан айтганда, доимий икки йил ҳаракатдамы.

— Тўғри, илк тўхталаримизни (тажрибамиз етишмагандан бўлса керак) кўпчилик бирдек қабул қилмаганди. Ҳозир ўз йўналишимизга ва услубимизга эга бўлиб бораётганимизни муҳлисларинг муносабатидан билиб олиш мумкин.

— Келажакда қандай режаларни амалга ошириш ниятдасиз?

— Фаолиятимизни янада кенгайтириб, кўп қиррали ижодкор йигитларни ўз сафимизга киритмоқчимиз. Бу борадаги ишларни аллақачон бошлаб юбордик. Вилоятларга уюштирган концертларимизда бир қатор истеъдодли ёшларнинг маҳоратини кўриб, «Comedy.uz»га таклиф қилдик.

Фахриддин НУРАЛИЕВ суҳбатлашди.

## Курашчиларни тоблаган ташаббус

Гулистон шаҳридаги «Бек» ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси, O'zLiDeP бошлангич ташкилоти етакчиси Улуғбек Сотиболдиевнинг ташаббуслари доимо қўллаб-қувватланади. Чунки, яқинда унинг эркин кураш бўйича ўсирилган орасида мусобақалар ўтказиш борасидаги таклифи вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда «Намоёт» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий бўлинулари томонидан маъқулланди ҳамда улар ташкилоти ишларга ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Беллашуларда Сирдарё вилоятининг туман ва шаҳарларидан Тошкент вилоятининг Бекobod шаҳридан 10 та жамоа иштирок этди. 298 нафар спортчи — 1998-2000 ҳамда 2003 йилларда туғилган ўсирилган 16 та вази тоифасидаги гиламга чиқилди. Умумжамоа ҳисобида Сирдарё вилоят Болалар ва ўсирилган спорт мактабининг ёш полволлари биринчи ўринни эгаллашди. 2.-3- ва 4-ўринларни тегилли тартибда Бекobod шаҳри, Гулистон Олимпия захиралари ва «Малик» жамоалари қўлга киритди. — Турнир ёш полволларнинг ўз маҳоратларини ошириши, руҳан ва жисман тобланишида ўзига хос омил бўлди. — дейди У.Сотиболдиев. — Вилоятдаги курашчиларнинг халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашишида шу сингари беллашулар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дилора ЭСОНОВА.

## Замона аёли

Пойтахтимиздаги «Зарқайнар» миллий либослар галереясида «Замона аёли: Ватанимиз равнақиға ўз ҳиссамизни қўшамиз» деб номланган анъанавий тадбиркорлик кунлари бўлиб ўтди

### Нигора НИШОНБОЕВА

Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар ассоциацияси, Савдо-саноат палатаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда пойтахтимиз аҳолиси, сайёҳлар, юртимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш дастурини бажаришда амалга оширилаётган изчил ишловлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратилган кенг имкониятлар ҳақида тўхталди. Хусусан, ўтган йили Марказий банк томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган ўн бешта ижтимоий лойиҳа амалга оширилди. Шунингдек, тадбиркорлар учун қарийб

бир триллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Жорий йилда ҳам мазкур мақсадлар учун бир триллион уч юз миллион сўм йўналтирилиши кўзда тутилгани алоҳида эътироф этилди.

Юртимизда аёлларга бўлган юксак эътибор, ишонч, яратиб берилаётган шарт-шароитлар таҳсинга лойиқ. Мустақиллик йилларида хотин-қизлар фаолиятини кучайтириш, уларнинг оила ва жамиятдаги маъқени юксалтириш, истеъдод ва имкониятларини рўйбга чиқаришда кенг қўллаш ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур кўргазма-савдонинг ўтказилиши замонавий ўзбек тадбиркор аёлининг нуфузини яна бир поғона кўтарди.

Кўргазмадан ўрин олган атлас, адрас, беқасамдан тикилган бежирим либослар, миллий хунармандчилик маҳсулотлари, миниатюра ҳайкалчалари, тақинчоқлар, безаклар, ўйинчоқлар, керамика ва фарфорга чизилган расмлар, Шаҳрисабз услубидаги тикмалар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

— Қашқадарёда хунармандчиликнинг ўзига хос мактаблари мавжуд. Мен Шаҳрисабз услубида яратилган кашталардан фойдаланаман. Аёлларимиз

қундалик ҳаётида асқотадиган буюмларга нақшлар солиб, композиция яратаман. Бу эса ҳар қандай аёлни бефарқ қолдирмайди. Айниқса, каштадан тикилган оёқ кийимларга талаб кучли. Бугун ҳам бир қатор буюртмалар қабул қилдим. Бу каби кўргазмалар бизнесимизни ривожлантиришда ҳам катта аҳамиятга эга, — дейди яқин тартибдаги тадбиркор Юлдуз Маммадиёрова.

Самарқанд nonларининг ажиб ифори, етти иқлимга машхур писта-ю ҳовваларининг мазаси ҳар бир меҳмон ёдида қолди. Карвинг санъати, қандолатчилик маҳсулотлари тақдими ҳам йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Хулоса қилиб айтганда, бу каби тадбирларнинг ташкил этилиши юртимиз тадбиркор аёлларини қўллаб-қувватлаш, уларга янада кенг имкониятлар ашигини очиб билан бир қаторда, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда, янги бизнес лойиҳалар устида ишлашларида, истиқболли шартномалар тузишларида, маҳсулотлар сифатини кўтариш, устоз-шогирд анъаналарини кенг тарғиб қилишда амалий кўникама бўлиб хизмат қилади.

## РЕКЛАМА

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

# «Асака» банк

миллий ва хорижий валюталардаги қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада:	
Омонатга ҳисобланган фойзалар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.	«ҚАДРИЯТ»
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.	«БАҲОР»
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фойзалар омонат очилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.	«ФАРОВОН ТУРМУШ»
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой.	«ТЕЖАМКОР»
Ҳисобланган фойзалар ҳар ойда коммунал хизматлар бўйича тўловларга йўналтирилади.	хорижий валютада:
Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой. Ҳисобланган фойзалар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.	«ШОДНЕНА» (АҚШ долларлари)
Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой. Ҳисобланган фойзалар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.	«МАДАД» (АҚШ долларлари)
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фойзалар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.	«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда)

Шу билан бирга, «Асака» банк миллий ва хорижий валюталардаги қулай шартларда 60 дан зиёд омонат турини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	225-44-03
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сергели филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарход филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	224-00-16
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:  
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!  
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!  
— эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!  
— миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди  
www.asakabank.com Хизматлар лицензияланган.

## РЕКЛАМА

# ЗА3 FORZA

Автомобили для жизни!



Автосалон в Ташкенте

тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99

ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)



www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.



БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАҲАБОВ.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: Нотибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: XXI\_ASR@mail.ru

«XXI ASR» ижтимоий-сийсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 2678 Тираж: 15162

Баҳоиси келишилган нархда.

Топширилди — 20.00

Тахририятга келган қўғамалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газетани номини кўрсатишни шарт. Муаллифлар фикри тахририят нукта назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материалларига тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан сақлаланди.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

9 772181 497009

Навбатчилар:

Б.ИСРОИЛОВ, С.ЗОИРОВ.